Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 73 (20.041) • 1988 йил 29 март, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ОБРЎ ИШ БИЛАН

ПАРТИЯ ИШИГА СОДИҚ, УНИНГ СИЁСИЙ ЙЎЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН КУРАШДА ПЕШҚАДАМ БЎЛГАН КАДРЛАР — ПАРТИЯНИНГ ЭНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИДИР

Киши бирор ерга ишга кираётганида, албатта, бу ердаги тартиб, коллективдаги муҳит қандайлиги, унга ким раҳбарлик қилаётгани билан қизиқади. Шундай бўлиши табиий ҳамдир. Чунки одамларнинг меҳнатини ҳар жиҳатдан пухта ўйлаб ташкил этадиган, ижодий фикрлай оладиган, ишни яхши биладиган раҳбар бутун коллективнинг куч-ғайратини бирлаштириб, асосий мақсад сари йўналтираётган жойдагина меҳнат самарали бўлади, барча имкониятлар тўла ишга солинади.

Участка, цех, корхона, хўжалик раҳбари — ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи шахсдир. Иқтисодий ўз-ўзини бошқаришга ўтилган айни кунларда унинг ҳар бир сўзи атрофдагилар учун алоҳида салмоққа эга бўлади. Бу унга юқори лавозим ва алоҳида ваколат бериб қўйилганги учун эмас, албатта. Раҳбарга кўр-кўрона бўйсуниш ва унинг буйруғига сўзсиз қулоқ солиш социалистик ижтимоий муносабатларга бутунлай зиддир.

Демократия ва ошкоралик таъминланаётган, том маънода коллектив раҳбарлик жорий этилаётган бир даврда коллектив меҳнат жараёнида кишиларнинг ўзаро муносабатлари ҳам тубдан қайта қурилмоқда. «Агар ҳар бир коммунист, айниқса, раҳбар амалий ҳаракатларнинг ғоят катта аҳамиятини англаб олмаса, ҳеч қандай қайта қуриш, ҳеч қандай бурилиш бўлиши мумкин эмас», — деб таъкидланди КПСС XXVII съезди материалларида.

Партия ишлаб чиқаришни бошқариш усул ва услубларини такомиллаштириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. КПСС XXVII съездидан кейин ўтган давр мобайнида ўз шанига доғ туширган, партия обрўсини тўккан, ҳаддидан ошган, номуносиб кўпгина раҳбар ходимлар алмаштирилиб, улар ўрнига ташаббускор, ғайратли, халол-пок кишилар демократик асосларда сайлаб қўйилди. Кадрлар составини ёшартириш, истиқболли уларни ўстириш, резерв тайёрлаш йўли изчил тутиляпти. Кадрлар малакасини ошириш ҳам таомилга кирди. Истиқболли бир қанча ёшлар олий партия мактабларига ўқишга, бошқа республикаларга стажировкага юборилди. Кадрлар составини шу тариқа тўлдириш, айниқса фойдали бўляпти. Замонавий кадрлар зарур бўлиб қолганида муҳим қарорга келишдан чўчимайдиган, муваффақиятлардан ғурурланиб кетмайдиган, қийин шароитда ўзини йўқотиб қўймайдиган, энг мураккаб масалаларни ҳал эта оладиган, янгиликка ўч, қўли остидагиларга ғамхўр, уларнинг ўсишига йўл очиб берадиган ходим эканлигини амалда исботламоқдалар.

Боғот районидаги Нариманов номли колхозда техника янгиликларига, замонавий деҳқончилик маданиятига ихлос ниҳоятда катта. Бу — шунинг учунки, колхоз партия-хўжалик активи, энг аввало унинг раиси Абдулла Искандаров ишга ижодий йўналиш беряпти. У ўз вазифасини пухта биладиган раҳбар сифатида ишламоқда, бошқалардан ҳам шундай ишлашни талаб этаётир. А. Искандаров ҳамиша партия ташкилоти мададига суяниб, кишилар билан маслаҳатлашган ҳолда хўжаликни комплекс ривожлантиришнинг иқтисодий муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш учун зарур шароит яратиш тўғрисида қайғуради. Олот районидаги Крупская номли колхоз правлениеси раиси С. Турдиев ҳам қисқа вақт ичида катта ташкилотчилик қобилиятига эга эканлигини кўрсатди. Хўжалик қолоқликдан қутулиб, икки йилдан бери пахта тайёрлаш планини бажармоқда.

Раҳбарнинг кишилар билан ишлаш усул ва услублари масаласи хизмат маданияти қондаларига риоя қилиш билан чекланмайди. Раҳбарлик методлари ғоят ишчанлик, ғоявий-сиёсий мазмун билан йўғрилгандир. Партия ташкилоти ва коллектив уларнинг ҳар биридан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан билдирилган барча янги, новаторона фикрларни, асосий танқидий таклиф ва мулоҳазаларни эътибор билан тинглаб, қўллаб-қувватлашни талаб қила олади.

Ҳар бир ходимнинг ўз вазифасини аниқ билиши ва бажариши, ўзаро муносабатларда талабчанлик ва принципиаллик кўрсатиши, юксак интизомлилиги — хўжаликни бошқаришнинг энг муҳим қирраси, ишлаб чиқариш коллективида соғлом социал-психологик муҳит белгисидир. Қарор қабул қилаётганда унинг учун ким масъул эканлиги конкрет кўрсатилиши керак. Ишнинг барбод бўлгани ёки поёнига етказилмаганлиги учун ҳам кимнинг жавобгар эканлиги ҳаммага маълум бўлиши лозим. Бу — ошкораликнинг муҳим талабидир.

Шуни унутмаслик керакки, раҳбарнинг қолоқлиги, бундай аҳвол қандай кўринишда намоён бўлишидан қатъи назар, унинг сиёсий, маданий ва профессионал билим доираси торлигини, кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларига бепарво муносабатда эканлигини, эскирган тасаввур ва тушунчалардан қутула олмаганлигини кўрсатади. Бундан эса ишга фақат зарар етади. «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси директори П. Тошмуҳамедовни бу вазифага кўтаришда унинг номзодини ўрганишга юзаки ёндашилган, коммунистлар фикри эътиборга олинмаган эди. Қисқа вақт ичида эса унинг ишга яроқсиз эканлиги маълум бўлиб қолди ва вазифасидан бўшатилди. «Кашкадарьягаз» бирлашмаси бошлиғи С. Ҳамроев областда газлаштириш масаласига раҳбарлик қилишни шахсан амалга ошириши, газлаштириш билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқиши ва ҳал этиши лозим эди. Лекин бундай қилмади. Қўрқ совхозлар бўйича кейинги икки беш йиллик ичида газ хўжалигини ривожлантириш учун ажратилган 5,4 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмади. Қашқадарё область партия комитетининг кейинги пленумида бирлашма ва унинг жойлардаги органларига лаёқатсиз, ишни уддалай олмайдиган кишилар раҳбарлик қиладиганини қаттиқ танқид қилинди. Масалан, С. Ҳамроев бир вақтлар район партия комитетида қоровул, кейинчалик матлубот жамияти умумий овқатланиш тармоғида ходим бўлиб ишлаган кишининг Деҳқонобод район газлаштириш идораси бошлиғи вазифасига кўтарилишига монелик қилмади.

Кадрларни танлашда расмиятчилик ва шошқалоқликка йўл қўйилаётгани бу ишнинг демократик асосларига путур етказяпти. Масалан, Бухоро тўқимачилик комбинати йигирув-тўқув фабрикаси тайёрлов цехида ишчилар Р. Сандовни ўзларига раҳбар қилиб сайлаган эдилар. Унинг ғайрати билан ишлар юришиб кетди. Кўп ўтмай комбинат маъмурияти Сандовни бошқа ишга ўтказди. Бу эса норозилик уйғотди. Коммунистлар бундай услубни кадрлар сиёсатига калтабинлик билан, айни пайтда енгилгина ёндашиш деб баҳоладилар.

Раҳбарга ишонч қарзга берилмайди, уни амалий иш билан оқлаш ва мустаҳкамлаш керак. Унга билдирилган ҳурмат ва эътибор ходимни илҳомлантиради, партия иши учун хизматда ғайрат ва ташаббускорликни оширади, ўзига, фаолиятига танқидий кўз билан қарашга ундайди. Раҳбарлик лавозими ҳеч кимга умрбод бериб қўйилмаган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми бутун фаолиятини қайта қуриб олмаган, ўзини нотўғри тутаётган ва ўзига нисбатан билдирилган танқидий мулоҳазалардан тегишли хулоса чиқармаган кишиларга нисбатан зарур чора кўрилиши лозимлигини уқтирди.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципларига партия XXVII съезди ва Марказий Қўмитет Пленумларида ўз аксини топди. У партия ташкилотларини конкрет ҳаракат программаси билан қуроллантирди. Ходимларнинг ишчанлик, сиёсий ва ахлоқий фазилатларига баҳо бераётганда принципсизлик ва либерализм кўринишларига қарши қаттиқ курашмоқ даркор. Кадрлар масаласини ҳал этаётганда коллектив ва партия ташкилоти фикрини ҳар томонлама ҳисобга олиш лозим.

Бошқарув услуби, ҳар бир ишлаб чиқариш раҳбарининг фаолияти замон руҳида, КПСС XXVII съезди қўйган юксак талабларга тўла жавоб бера оладиган бўлиши лозим.

БУТУНИТТИФОҚ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ШАРАФИГА

Тежамкор пиллакашлар

Марғилон ипак комбинати пиллакашлик фабрикасида мастер ёрдамчиси Раим Сейетумеровнинг номини ҳурмат билан тилга олишади.

У етакчилик қилаётган бригада коллективи планларни ортиғи билан уддалаб келади. Ўтган ойда ҳам давлат плани 121 процентга ошириб бажарилди. Маҳсулот сифати яхши: кўзланган 77 ўрнига 96,7 процентни биринчи сортли маҳсулот ташкил этди.

Тежамкорлик билан ишланганлиги туфайли 123 килограмм сифатли пилла иқтисод қилиб қолинди. Бригадада ўзбек, рус, татарлар қўлни-қўлга бериб, бир оила аъзосидек эзгу мақсад йўлида меҳнат қилишади.

— Бригадамиз партия анжуманини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга азму қарор қилган, — дейди бригада бошлиғи. — Планга қўшимча 500 килограмм хом ипак ишлаб чиқарамиз. Камида 400 килограмм сифатли хом ашё — пиллани тежаб, уч кун тежалган хом ашё ҳисобига ишлаб берамиз.

А. ҚУТБИДДИНОВ.

ЧОРВАДОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

● Косон райони чорвадорлари давлатга сут сотиш дастлабки квартал планини муддатидан олдин ошириб бажардилар. Қабул пунктларига 1192 тонна ўрнига 1200 тоннадан зиёд серқаймоқ сут топширилди.

Қўлга киритилган муваффақиятга райондаги Ульянов номли, «Партия XXII съезди», «Шарқ юлдузи» колхозлари, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Чуйков номли, Свердлов номли совхозлар сут товар-фермалари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу йил ҳар бош сигирдан 3,5—4 минг килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилган «Шарқ юлдузи» колхозидан Т. Омонова, Ульянов номли колхоздан Н. Қаҳҳорова, «Партия XXII съезди» колхозидан М. Отақулова, А. Икромов номли совхоздан М. Қудратова сингари соғувчилар кунига ҳар бош сигирдан 8—10 килограммдан сут соғиб олмоқдалар.

Район чорвадорлари Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини ярим йиллик сут топшириш планини 20 июнгача адо этиш билан кутиб олишга қарор қилишди. Сут соғувчилар шу муддат ичида давлатга пландаги 3100 тонна ўрнига 3300 тонна сут соғиб олиб, давлатга топширишмоқчи.

Шунингдек, областнинг Чироқчи ва Деҳқонобод районлари чорвадорлари ҳам сут тайёрлаш биринчи квартал топширигини ошириб бажардилар.

М. КАРОМОВ.

Ички имкониятлар ҳисобига

● Кўпгина хўжаликларда ноз-неъматлар етиштиришдан кўра уларни қишда сақлаш муаммо эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ғаллаорол районида бундай объектларни қуриш учун ички имкониятлардан кенг фойдалана бошланди. «Гулистон» совхозида қиш фаслида 800 тонна маҳсулот сақлаш имконига эга омборхона қуриб битказилди. «Коммунизм» совхозида ҳам шундай иншоот қурилиши бошлаб юборилди.

Б. САТТОРОВ.

Ремонтчилар ғайрати

Учқўрғон районидаги ремонт заводининг Деҳқонбой Бурхонов бошчилигидаги 1-цех ишчилари январь-февраль планини муваффақиятли адо этдилар.

Пландаги 400 дона ўрнига 440 дона пахта териш машинаси агрегати сифатли ремонт қилинди. Деталларни қайта ишлаш, шпинделларни тиклаш, аппаратларни йиғиш каби ремонт ишлари талаб даражасида олиб бориляпти. Ўтган икки ойда план 112,9 процент адо этилди.

Қўлга киритилган муваффақиятларда Саидахон Йўлдошева, Алижон Холиқов, Иброҳимжон Маткаримов, Мухторжон Насриддинов сингари ишчиларнинг хизмати катта бўлмоқда.

А. БЕКМИРЗАЕВ.

Планга қўшимча

Андижон мебель фабрикасининг коллективи январь-февраль ойлари планини муваффақиятли уддалади.

«Янгилик» индекси билан маҳсулот тайёрлаш ҳажми 402 минг сўмни ташкил қилди. Фабриканинг бундай ютуқларга эришувида фабриканинг 2-йиғув цехидан коммунист Эркинжон Иминов бошлиқ бригада мебелсозлари катта ҳисса қўшдилар.

Э. Иминов бригадаси Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига юксак социалистик мажбурият қабул қилди. Планга қўшимча 26 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади.

Ш. КЕЛДИЕВ.

27 мартда республикамизда кўчат ўтқазиш ва кўкаламзорлаштириш якшанбалиги ўтказилди

Серобчилик йўлида

Фарғона — Қўқон автомобиль йўлининг ҳар икки томонидаги 60 километр масофага чўзилган тошлоқ ерлар текисланиб, турли хил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиляпти. Шаҳар ва қишлоқларда маҳаллий Советлар, жамоат ташкилотлари ҳатто ариқ ёқалари ва йўл бўйларига ҳам мевали дарахтлар экишга бош-қош бўлишяпти.

Охунбобоев районидаги «Солижонобод» совхози 11-бригадаси аъзоларининг бўш ерларда янги боғлар ташкил этиш ташаббусини совхоз раҳбарлари қўллаб-қувватлашди. Бригадада ҳозиргача 3 гектарли янги мевали боғ барпо этилди. 10 минг туп терак қаламчалари ўтқазилди. Рустамжон Носиров ва Абдуфаттоҳ Жўраев каби боғбонлар кўчат экишда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Риштон районидаги «Ўриксор» совхози ишчилари бу йил «Риштон қандаги» навини кўпайтириш мақсадида 45 гектар янги қандак ўрик боғи бунёд этдилар. Бу ташаббус ҳозир областда кенг қулоч ёймоқда.

Баҳорнинг дастлабки кунлари кўчат экиш учун қулай келганлигидан фойдаланиб, Бувайда район боғбон ва соҳибкорлари ҳам бугунгача 17 минг туп ортиқ турли хил мевали дарахтлар ўтқазишдилар.

Биз «Партия XX съезди» совхозининг 5-бригадасида ташкил этилган янги мевазор боғда бўлдик.

— Янги боғлар асосан мелиоратив ҳолати ёмонлашган, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш учун ноқулай ерларда яратилянти, — дейди боғбон Ғ. Одилов. — Бунинг учун ўсиш даврида сувни кам талаб қилувчи дарахт ниҳолларини танлаяпмиз. Шунингдек, ернинг захини қочириш учун тегишли тадбирлар кўрмоқдамиз. Бугунгача шундай жойларга 6 минг 600 туп турли нав олма ниҳоллари ўтқаздик ва уларнинг парваришини бошлаб юбордик.

«Ленинобод» колхози даштида янги ўзлаштирилган тошлоқлар ҳам боғ-роғлар барпо этишга мослаштирилди: 3,5 минг туп мевали кўчатлар ўтқазилди. Кўчат экиш ишларига боғбон М. Аҳмадалиев бошлиқ 40 кишилик боғдорчилик бригадаси мутасаддилик қилмоқда. Коллективнинг И. Қўшоқов, Ю. Қурбонов, Т. Қўчқоров сингари соҳибкорлари ниҳоллари юксак агротехника қоидалари асосида экишда фидокорлик кўрсатмоқдалар. Бундай хайрли ишлар авжини Бувайда райони хўжаликларида ҳам кўриш мумкин.

Водий узра баҳор шабадаси эсмоқда. Далаларда экинтикин ишлари бошланди. Минглаб қишлоқ меҳнаткашлари, шаҳарликлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари боғ-роғлар барпо этиш юмушларида фаол иштирок қилишяпти. Кўчат ўтқазиш икки ойлиги катта ҳашарга айланиб бормоқда.

27 март куни бўлиб ўтган кўчат экиш бўйича умумхалқ якшанбалигида ҳам минглаб туп дарахт ва гул кўчатлари экилди.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Яшил либос—ўлкамизга мос

Янгийўл шаҳридаги Усмон Юсупов уй-музейи ўтган якшанба куни одамлар билан гавжум бўлди. Бу ерда У. Юсупов 1947 йилдан 1966 йилгача яшаган эди. Республика партия ва ҳукуматининг таниқли арбоби хотирасига бағишлаб ўтказилган митингда кўплаб кишилар қатнашдилар. Шу куни ўтказилган якшанбаликда 200 дан ортиқ мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Боғда Усмон Юсупов билан кўп йил бирга ишлаган ветеранлар — 1932 йилдан КПСС аъзоси Собир Қосимов, собиқ агроном Алексей Тарасенко ва бошқалар ҳам меҳнат қилдилар.

Суратда: Усмон Юсупов уй-музейи боғида кўчат экиш пайти.

Р. Галиев фотоси.

СЎНГГИ СОАТДА

КОБУЛ. Афғонистон ҳукумати якшанба куни Покистоннинг яна бир нодўстона хатти-ҳаракати муносабати билан унга норозилик билдирди. Афғонистон Ташқи ишлар министрлигининг норозилик нотасида таъкидланишича, 19 март куни Нангарҳор вилоятининг чегара районларида Афғонистоннинг соқчилик қилиб учиб юрган икки реактив самолётини Торҳам чегара пунктидан уч километр наридаги Чоҳарбоғ районида Покистоннинг ҳарбий самолётлари ўққа тутди. Бундай хатти-ҳаракатлар, деб таъкидланади нотада, иккала мамлакат чегарасидаги вазиятни ёмонлаштиради. Агар шундай ҳоллар яна такрорланадиган бўлса, бутун масъулият Покистон маъмурлари зиммасига тушади.

●

ПАРИЖ. Совет спортчиси Флюра Булатова стол тенниси бўйича Европа чемпиони бўлди. Париждаги Берси спорт саройида якшанба куни ўтказилган оғир финал матчи курашидан кейин у руминиялик теннисчи Отилия Бадескуни енгди. Аввалига Флюра 1:2 ҳисобида ютқазиб турган эди, аммо кейинчалик бутун ирода ва маҳоратини ишга солиб ўйнади ва 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Шундай қилиб, Флюра Булатова бу чемпионатда иккинчи олтин медални олишга сазовор бўлди. Илгарироқ у команда мусобақаларида ғолиб чиққан эди.

●

ЛАХТИ. Тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, ядро хавфини бартараф этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш проблемалари бу ерда ўз ишини якунлаган «Тинчлик-88» умуммиллий конференцияси қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Бу анжуман «Финляндия тинчлик тарафдорлари» ташкилотининг ташаббуси билан чақирилган эди. Конференция ишида Финляндиядаги сиёсий партиялар, касаба союзлари ва ёшлар ташкилотларининг намояндалари, шунингдек Совет Иттифоқи, ГФР, Швеция, АҚШ, Чили, Сальвадор, Панама, Фаластин Озодлик ташкилоти, Жанубий африкаликлар Африка Миллий конгресси, Жануби-Ғарбий Африка халқ ташкилоти делегациялари иштирок этдилар.

(ТАСС, 28 март).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Виталий Хуссейнович Догужиевни СССР умумий машинасозлик министри этиб тайинлади.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Михаил Иванович Бусыгинни СССР ўрмон саноати министри этиб тайинлади.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Александр Сергеевич Исаевни СССР Давлат ўрмон комитетининг раиси этиб тайинлади.

ХАЛҚ ХОТИРАСИДА МАНГУ ҚОЛАДИЛАР

Ўтган якшанба куни Ўзбекистонда анъанавий Хотира куни ўтказилди. Республика шаҳар ва қишлоқларининг меҳнатчилари — ветеранлар ва ёшлар қариндош-уруғлари ва ёр-биродарлари хотирасига, кўп миллатли Ватанимизнинг Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун мардона курашган, дастлабки беш йилликлар даврида қаҳрамонона меҳнат намуналарини кўрсатган, Улуғ Ватан уруши фронтларида Ватан озодлиги ва мустақиллигини қўлда қурол билан ҳимоя қилган, зарбдорларча ишлаб, Советлар мамлакатининг шон-шуҳрати ва қудратини оширган муносиб ўғил ва қизлари хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтирдилар.

Шу куни ёдгорликлар ёнида комсомол ва пионерлар фахрий қоровулда турдилар, мотам қуйлари янгради. Кўп кишилик митинглар бўлиб ўтди. Уларнинг қатнашчилари ҳаётдан кўз юмган ота-оналари, қариндош-уруғлари, дўстлари хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар. Сўзга чиққан нотиқлар мамлакатимизда социалистик жамият қурган кекса авлод намояндаларининг ёркин ҳаёти ёшлар учун ҳамиша совет халқига, социалистик Ватанга хизмат қилиш намуна бўлиб қолавериши ҳақида гапирдилар. Кўпгина ёдгорликлар пойига гуллар қўйилди.

Мозорларда ободончилик ишлари ўтказилди, гул ва дарахт кўчатлари ўтқазилди. Бевақт ҳалок бўлган кишилар хотирасига боғлар барпо этилди.

Республика шаҳар ва қишлоқларида Хотира куни қандай ўтганлиги ҳақида ЎзТАГ мухбирлари ҳикоя қиладилар.

* * *

ТОШКЕНТ. Афғонистонда интернационал бурчини адо этиш пайтида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига бағишлаб умумшаҳар мотам митинги ўтказилди. Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилган бу митингга Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, ишчилар, студентлар, мактаб ўқувчилари, запасдаги ёш жангчилар келишди. Улар афғон халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун ёш жонларини фидо қилган совет йигитлари хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар. Қаҳрамон комсомоллар ёдгорлиги пойига ўнлаб гулдасталар қўйилди.

— Афғонистон революциясининг душманларига қарши жангларда ҳалок бўлган ўртоқлар хотирасини муқаддас билиб эъзозлаш — бизнинг бурчимиз, — деди Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Ҳушнуд Аҳроров митингда сўзлаган нутқида. Нотиқнинг ўзи совет қўшинларининг Афғонистондаги чекланган қисмлари составида хизмат қилган. Жанглардан бирида Ҳушнуд дўстлари билан биргаликда Афғонистон халқ милициясининг «Ҳарандой»нинг оғир яраланган тўрт жангчисини мина қўйилган майдондан олиб чиққан. Қонга беланган афғон йигитларини шошилинч операция қилиниши зарур бўлган. Ҳушнуд уларни кўчма госпиталга элтиб қўйгач, афғон йигитларига ўзидан бевосита қон қуйилишига ҳеч иккиланмай рози бўлган. Ўзининг бу олижаноб иши учун у Афғонистон демократик ёшлар ташкилотининг олий мукофоти — «Жанговар хизматлари учун» нишонига сазовор бўлган.

Митингда сўзга чиққан Улуғ Ватан урушининг ветерани А. Р. Хўжаев совет халқи авлодларининг чамбарчас боғлиқлиги, уларнинг энг яхши анъаналари бузилмаслиги ҳақида гапирди. У уруш йилларида ўз тенгқурлари — йигирма ёшли йигитлар билан биргга қўлга қурол олиб дунёни фашизмдан ҳимоя қилиш учун қандай курашганлигини, қанчадан-қанча азиз ўртоқларидан жудо бўлганини айтиб берди. Ўз полкдошларини ёдга олган запасдаги ёш жангчиларнинг ҳис-туйғулари ветеранларга азиз ва тушунарлидир. Уларнинг қўллари Тошкентда интернационалист совет жангчилари ёдгорлиги қурилишига маблағ тўплашда фаол қатнашдилар.

Озодлик ва адолат иши учун ўз жонларини қурбон қилган қаҳрамон комсомоллар хотирасига тўплардан бир йўла уч марта ўқ узилди.

Митинг охирида Ленин комсомоли боғида интернационалист жангчилар номли майдон барпо этилди. Митинг қатнашчилари 200 тупдан кўп чинор кўчати ўтқаздилар.

* * *

НУКУС. Беруний районида, атоқли қорақалпоқ бахшиси, созандаси ва бастакори Турим Улли Мусо бахши қабрида мармар обида тантанали вазиятда очилди. Автоном республикада машҳур бўлган бу адабиёт ва санъат арбобининг ижодий мероси ҳозир Қорақалпоғистонда яшовчи деярли ҳар бир кишига маълум. Унинг мусиқий асарлари халқ чолғу асбоблари репертуарларига киритилган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг Довқараев номли тарих, тил ва адабиёт институти ходимлари Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятининг область кенгаши билан биргаликда бахшининг ҳаёти ва ижоди ҳақида катта тадқиқот ишларини ўтказдилар. Шу туфайли бастакор дафн этилган жойни аниқ топишга муваффақ бўлинди.

Хотира кунида Султонбобо қабристонида район жамоатчилигининг намояндалари, Ко-

(Давоми иккинчи бетда).

А. М. ГОРЬКИЙ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНАДИ

28 март куни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтида улуғ пролетар ёзувчиси А. М. Горький туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган юбилей илмий сессияси бўлди. Унда республиканинг кўзга кўринган адабиётшунос олимлари қатнашдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар социалистик реализм асосчиси ижодиётининг асосий босқичлари ҳақида, унинг ўзбек адабиётига катта ғоявий ва бадиий таъсири хусусида гапирдилар. А. М. Горький фаолияти ва йигирманчи йиллар бошларида совет адабиётида инсонпарварлик муаммолари, ёзувчи асарларининг ўзбек тилидаги таржималарига оид масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1988 йил 29 март № 119 Москва шаҳри

БЕЛГИЛАНГАН ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ 1988 ЙИЛ АПРЕЛЬ-ИЮНЬ ОЙЛАРИДА СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИШ ВА ГРАЖДАНЛАРНИ НАВБАТДАГИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 1988 йилнинг апрель-июнь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинлар сафларидан запасга бўшатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг 1-бандига мувофиқ ҳарбий хизматчиларнинг запасга бўшатилиши муносабати билан чақириқ қунигача 18 ёшга тўладиган, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириқ муддатини кечиктириш ҳуқуқини йўқотган хизматга чақирилувчи қатта ёшдаги гражданлар шу йил апрель-июнь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинларга ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилсин.

3. Буйруқ барча роталар, батареялар, эскадрильялар ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР мудофаа министри армия генерали Д. ЯЗОВ.

Партия турмуши: бошланғич ташкилотлар жанговарлиги кўриги

КЎРИК НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

«Комсомол» совхозининг марказий ремонт устахонаси партия ташкилоти жанговарлик кўриги комиссияси аъзолари кекса коммунист Низомиддин Ҳасанов билан суҳбат ўтказаётгандилар. Н. Ҳасанов 40 йилдан кўпроқ вақтдан буён шу устахонада ишлайди.

— Партия бюроси жамоат ташкилотлари ишини яхши назорат қилмаяпти, — деди у комиссия аъзоларига. — Масалан, устахона халқ контроли пости қандай иш билан шуғулланаётгани менга қоронғу. Назоратчилар онда-сонда ошхонани текшириб, шу билан кифояланиб қўя қолишмоқда. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ташмачиларга қарши курашда уларнинг роли сезилмаяпти. Мен партия бюроси мажлисларидан бирига халқ контроли пости фаолиятини муҳокама қилиш масаласини қўйишни таклиф қиламан.

Кўрик комиссияси коммунистнинг таклифини цех партия ташкилоти секретарига етказди. Партия бюроси уни ўз иш планига киритиб, яқин мажлислардан бирида шу масалани муҳокама қиладиган бўлди.

— Жанговарлик кўриги жараёнида коммунистлар активлигини баҳолаш билан бирга улар билдираётган таклиф ва мулоҳазаларни синчиклаб ўрганиб, алоҳида ҳисобга оляпмиз, — деди цех партия ташкилотининг секретари Маъмуржон Аракўлов. — Бу эса партия ташкилоти ишида рўй бераётган баъзи камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга ёрдам беряпти.

Ўзбекистон райони бошланғич партия ташкилотларида жанговарлик кўригининг дастлабки босқичи қизғин паллага кирди. 91 та бошланғич, 146 та цех партия ташкилотида 102 та кўрик комиссияси иш олиб боряпти. «Комсомол», «Қўқон», «Ғаниобод» совхозлари партия комитетлари кўрикдан кутилган асосий мақсадга эришишга, унинг ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтишини таъминлашга интилишяпти. Коммунистлар билан бўладиган суҳбатларга комиссия аъзолари пухта тайёргарлик билан келаётирлар. Суҳбатлар қатъий график асосида ўтаяпти. Уларнинг якунлари жанговарлик кўриги экранлари орқали ошкор этилмоқда. Кўрик оддий расмиятчилик эмас, балки ҳар бир коммунист, партия ташкилоти учун жиддий синов даври бўлиши учун курашиляпти. Кўрик комиссиялари суҳбатларида бир томондан коммунист фаолияти тўғри, холис баҳоланиб, унга келгуси ҳаракат йўли кўрсатиб берилса, иккинчи томондан коммунистнинг, партия бюроси аъзолари, шунингдек, ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини қайта қуришга доир шахсий фикр-мулоҳазалари ҳам эътибор билан эшитилмоқда.

Жанговарлик кўриги коммунистларнинг активлигини, коллективдаги авангардлик ролини кучайтиришга олиб келяпти. Суҳбатлар пайтида шунингдек, партия ташкилоти ва унинг раҳбарлари ишидаги камчиликлар рўй-рост очиб ташланмоқда.

— Суҳбатлар жараёнида партия ташкилоти фаолиятига оид эътирозлар ҳам билдирилаётганлиги умумий ишимиз учун фақат фойда келтиради, — дейди «Комсомол» совхози партия комитетининг секретари Юсуфжон Мелибоев. — Масалан, автогараж партия ташкилоти жанговарлик кўриги комиссияси билан суҳбатда коммунист Баҳриддин Абдуғаффоров: «Совхоз партия комитетининг секретари Ю. Мелибоев гоҳо қизиққонлик қилади. Арзимаган ишларга ҳам аралашаверади. Бу эса совхоз коммунистлари етакчисига ярашмайди», — деган фикрни билдирди. Менинг адресимга айтилган танқид қаннечалик аччиқ бўлмасин, тан олишга тайёрман. Ўзимдаги мана шу камчиликни тугатиш учун ҳаракат қиляпман.

Совхоздаги марказий ремонт устахонаси партия ташкилоти жанговарлик кўриги комиссиясининг иши яхши йўлга қўйилган. Цех партия ташкилоти ҳисобида турадиган 27 нафар коммунистдан ҳозиргача 15 киши якка тартибдаги суҳбатдан ўтди. Суҳбатларга тайёргарлик жараёнида коммунистнинг партия ташкилоти фаолиятига қатнашуви, ишлаб чиқаришдаги тутган ўрни, топшириқларни бажариши, оилавий аҳволи синчиклаб ўрганилиб чиқилди. Натижада ҳар бир суҳбат жонли ва эркин мулоқотга айланди. Партия ташкилоти ва коммунистнинг ўзаро муносабатлари очиқ-ойдин бўлаётгани ҳар икки томоннинг ҳам фикрларини ўрганиш учун зарур муҳитни вужудга келтиряпти. Партия ташкилотида ҳар бир коммунист ҳақида муайян фикрга келиш ва у билан ишлашни ана шу асосда олиб бориш имкони яратилгунга коммунист бундай нуқсонлардан ҳоли бўлиши лозимлиги уқтирилди. Жанговарлик кўригининг иккинчи босқичида Н. Мадаминовнинг хатти-ҳаракатлари яна кўриб чиқилади. Коммунист Зокиржон Ҳасанов эса суҳбат пайтида «бригада бошлиғининг ўч олиш мақсадида атайлаб штат қисқарди, деган баҳона билан уни ишдан бўшатгани» ҳақида шикоят қилди. Бу масала партия ташкилоти ихтиёрига ҳавола қилинди. Текширишда эса ҳақиқатан ҳам З. Ҳасановнинг нотўғри бўшатилганлиги аниқланди ва у яна ўз ўрнига тикланди.

Жанговарлик кўриги партия ташкилоти фаолиятидаги айрим нуқсонларни очиб бераётганлиги билан ҳам характерлидир. Цех партия ташкилоти коммунист Музаффар Умаровга ишчилар орасида агитаторлик қилишни топширган эди. Бироқ, у партия топшириғини бажармади. Кўрик комиссияси суҳбат пайтида коммунистларни тўлқинлантираётган жиддий муаммолар юзага чиқяпти. Корхонанинг пластмасса цехи мастери маъмурият буйруғи билан шу лавозимга тайинланган эди.

— Нега мастерни сайламадик? — деди коммунист Мавлуда Мамадалиева кўрик комиссияси билан суҳбатда. — Ваҳолонки, муносиб кадрлар ўзимизда ҳам бор эди. Ишимизнинг мурақалпоғистоннинг таниқли маданият арбоблари, партия ва совет ходимлари йиғилишди. Улар машҳур юртдош қабрида ўрнатилган обида пойига гуллар қўйишди.

Хотира куни арафасида автоном республика пойтахтида атоқли совет педагоги А. С. Макаренко бюсти очилди.

АНДИЖОН. Хотира кунида Қўрғонтепа районидаги Навоий номли колхозда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, машҳур чорвадор И. Холмирзаев қабрига ёдгорлик ўрнатилди. Бўлиб ўтган митингда хўжалик чорвачилик фермасининг илғор бригадири Р. Холмирзаев отаси ҳақида сўзлаб берди.

Усмон ака бутун умрини жамоат чорвасини ривожлантиришга сарфлади, зарбдор меҳнати, колхоз ижтимоий ҳаётида фаол иштироки учун Ленин ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени, кўпгина медаллар билан мукофотланди, Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланди. Қаҳрамон билан ишлаган ҳамқишлоқлари у ҳақда кўпгина яхши гапларни айтдилар. Ҳозир отанинг ишини унинг уч ўғли давом эттирмоқда. Ветераннинг фарзандлари, невералари ўзлари тўплаган ҳужжатларни, фотосуратларни, газета ва журналлардан И. Холмирзаев ҳақида ҳикоя қилувчи қирқмаларни бу ерда ташкил этилган «Хотира хонаси»га топширдилар. Колхознинг бошқа машҳур кишилари тўғрисидаги материаллар ҳам шу ерга қўйилади. Жумладан колхознинг биринчи раиси Ҳ. Эшлушодов, Ҳосилот кенгашининг раиси Д. Мамаев, пиллачи Ш. Солиев, колхоз ҳаракати ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари Ҳ. Тожибоев, М. Турсунов ва бошқалар ҳақидаги материаллар ҳам қўйилади.

Митингдан сўнг колхозчилар қабристонни обод қилиш шанбалигини ўтказдилар.

БУХОРО. Юзлаб когонликлар Хотира куни 1-Бухоро станцияси вокзалолди майдонига келдилар. Революция иши учун, Зарафшон водийсида Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашда ҳалок бўлган кишилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гуллар қўйилди. Шаҳарликлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ғоят муҳим революцион воқеалар шоҳиди бўлган ана шу майдонни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари, Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби Владимир Иванович Иванов номи билан аташ тўғрисидаги қарорини маъқуллаб кутиб олдилар.

Вокзал ва вокзалолди майдони сўнгги вақтда янада кўркамлашди. Пастак уйлар ва қиғир-қийшиқ кўчалар ўрнида замонавий бинолар, хиёбонлар, гулзорлар пайдо бўлди. Бу ердаги панно қадимий ўлканинг тарихий ўтмиши ҳақида, Совет ҳокимияти йилларидаги амалга оширилган катта социал ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилади.

Майдонда қадимий анъанага мувофиқ ўқувчилар пионерлар сафига қабул қилинади, ёшлар уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашадилар. Эндиликда ветеранлар ёшлар билан учрашиш учун бу ерга келиб, уларга дастлабки революцион митинглар, шу жойдан М. В. Фрунзе раҳбарлигида Бухоро амирлиги истибдодига қарши ҳужумга отланган юртдошлари ҳақида ҳикоя қилибгина қолмай, коммунист В. И. Иванов номини ҳам албатта эсга оладилар.

НАМАНГАН. Хотира кунида Наманган область жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати уйида уч авлод вакилларининг учрашуви бўлди. Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари, Афғонистонда хизмат қилиш чоғида ўз бурчини шараф билан адо этган интернационалист жангчилар бу ерга тўпландилар. Учрашув қатнашчилари совет кишилари барча авлодларининг бузилмас ғоявий давомийлиги ҳақида, ота-боболар бошлаган қаҳрамонона ишларни ёшлар муносиб давом эттираётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Оқ гвардиячилар ва гитлерчиларга қарши курашда наманганликлар кўрсатган жасорат ҳақида, Апрель революцияси ғалабаларини ҳимоя қилишда дўст афғон халқига ёрдам берган интернационалист жангчиларнинг шонли ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи рангбаранг стендлар пайдо бўлди.

Тўпланганлар мардона жанг қилиб, жанг майдонларида ҳалок бўлган кишиларни эслаб, бир дақиқа сукут сақладилар.

ТЕРМИЗ. Ўзбекистон комсомолининг афсонавий сардори Абдулла Набиев номи билан аталган боғ Бойсун районидаги «Сайроб» совхозида энг кўркам масканлардан бирига айланди. Боғ ўтган йил баҳорида 5 гектар майдонда Абдулла Набиев хотирасига барпо қилинган эди. Район маркази ва совхозда яшовчи ёшлар бу ишда ташаббускор бўлдилар. Бу йил баҳорда эса юзлаб ёш ишчилар ва шу ердаги мактаб ўқувчилари дарахтларни парваришлаш, янги кўчатлар ўтказиш, гулзорлар барпо этиш учун бу ерга келдилар.

Тоғли ўлка ёшлари жасур комсомол хотирасини муқаддас сақламоқдалар. У ҳалок бўлган жойга хотира лавҳаси ўрнатилган бўлиб, атрофига қарағай экилган. Бунинг учун Бойсун шойи тўқиш фабрикасининг комсомоллари ташаббуси билан ўтказилган ёшлар шанбаликларида ишлаб топилган пул сарфланди. 27 март куни Бу ерда Абдулла Набиев ҳалок бўлган жойга ўрнатилган ёдгорлик лавҳасига гуллар қўйиш тантанали маросими бўлди. Маросимда «Сайроб» совхози меҳнатчилари, уруш ва меҳнат ветеранлари, комсомол аъзолари қатнашдилар.

ҚАРШИ. Қашқадарё область Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхозда баландлиги 30 метрлик ёдгорлик қад кўтарди. Ёдгорлик Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган юртдош жангчилар хотирасига ўрнатилди. Хотира кунида ёдгорликни тантанали очиш маросими бўлди. Ветераннлар ва ёшлар, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жангларда ҳалок бўлган кишиларнинг оила аъзолари, ёр-биродарлари қатнашган кўп кишилик митингда ҳамқишлоқлар жанг майдонидан қайтмаган юртдошлари хотирасини мангу унутмасликлари ҳақида гапирилди.

Ёдгорлик пойига баҳор гуллари қўйилди. Шу ердаги мактаб ўқувчилари ёдгорлик ёнида Хотира хиёбони барпо этдилар.

Е. ВЕЛИЧАНСКАЯ, А. ИВАНОВА, Р. БИЧУРИН, А. ЗАКОВРЯШИН, В. ЛУЦЕНКО, У. САКСОНБОЕВ, А. ФОЗИЛОВ, В. ШУМАЙЛОВ,

ЎзТАГ мухбирлари.

Қишлоқ ёшларига ғамхўр ва эътиборли бўлайлик

СССР Олий Совети палаталарининг доимий комиссияларида

Жамият ҳаёти барча соҳаларини янгилашда ёшлар ролини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — энг муҳим давлат ва жамоат ишидир. Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Ёшлар ишлари комиссияларининг 26 март куни Кремлда бўлиб ўтган қўшма мажлисида шу фикр таъкидлаб ўтилди. Калинин область халқ депутатлари Советларининг ёшларни қишлоқда муқим ишлаши юзасидан олиб бораётган иши муҳокама қилинди.

Мажлисда область совет ва хўжалик органларининг агросаноат комплексини, унинг ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурасини ривожлантириш, шу асосда барқарор меҳнат коллективларини вужудга келтириш, ёшларнинг қишлоқда ўрнашиб қолишига оид ишларни қайта қуриш ниҳоятда суст бораётганлиги таъкидланди.

Қишлоқдаги меҳнат ресурсларининг аҳволи мураккаб бўлиб турибди. Бу ердаги аҳоли сони камайиб, ёшлар тобора камчиликни ташкил этмоқда. Оммавий касбдаги ишчи кадрлар ва мутахассислар, айниқса механизаторлар, машинада сут соғиш операторлари ниҳоятда етишмаяпти. Хўжаликларнинг бор-йўғи етти процентигина ишчи кадрлар ва мутахассислар билан тўла таъминланган. Бутун йил давомида узлуксиз иш бўлмаганлиги сабабли қизлар қишлоқдан кетиб қолмоқдалар, оқибатда демографик вазият кескинлашмоқда. Қишлоқдаги 14 мингдан кўпроқ уй бўшаб қолди.

Қишлоқни қайта қуришнинг кўпгина иқтисодий ва социал муаммолари суст ҳал этилаётгани оқибатида шундай аҳвол рўй берди. Бу ишда комплекс ёндашув таъминланмаяпти. Ажратилаётган моддий ресурслардан олинаётган самара кам, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ажратилаётган капитал маблағлар ўзлаштирилмаяпти.

Меҳнатни механизациялаш даражаси паст. Бу эса айниқса чорвачиликда сезилмоқда. Оилавий ва ижара пудрати сингари меҳнатнинг илғор формалари суст жорий этилмоқда. Қишлоқни социал қайта қуришда жиддий камчиликлар бор. Уй-жой, коммунал объектлар ҳам қурилмоқда, йўл хўжалиги секинлик билан ривожланмоқда. Савдо, маиший ва транспорт хизмати кўрсатиш яхши йўлга қўйилмаган. Ҳатто марказий қўрғонларнинг анчагина қисмида мактаб ва мактабгача тарбия болалар муассасалари йўқ. Аҳолининг ярми даволаш-профилактика муассасалари бўлмаган аҳоли пунктларида яшамоқда.

Маданий-маърифий муассасалар ишининг савияси паст. Бу муассасалар йигит ва қизларнинг замонавий талабларига кўпинча жавоб бермаётир. Бинолар яроқсиз аҳволда бўлганлиги ёки кадрлар йўқлиги сабабли клубларнинг кўпи ёпиқ турибди. Мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш, уларнинг меҳнат тарбияси, шунингдек армия хизматига чақириқ ёшидаги ёки чақириқ ёшига етиб қолган йигитлар орасида олиб борилаётган ишлар аслида йигит-қизлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган ҳунарларни танлашларига таъсир этмаяпти.

Кадрлар сиёсатида жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Хўжаликларнинг раҳбарлари тез-тез ўзгариб турибди. Қобилиятли ёшлар раҳбарлик лавозимларига журъатсизлик билан тайинланмоқда. Қишлоқ жойларида ўқитувчилар, соғлиқни сақлаш маданият, спорт, савдо, маиший хизмат кўрсатиш ходимлари етишмаяпти.

Оқибатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тараққиётида қолоқлик содир бўлмоқда, областда шу тармоқ ҳажми камайиб бормоқда. Айни вақтда, 540 минг гектар экинзорни дов-дарахт ва буталар босиб кетди.

Қабул қилинган қарорда комиссиялар Калинин область ижроия комитетига қишлоқни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан конкрет тадбирларни амалга оширишни, қишлоқдаги ёшларни меҳнат фаолиятига жалб қилишдек ҳар томонлама вазифани бажаришга комплекс ёндашувга эришишни тавсия этди.

Бошқа министрликлар ва идораларга ҳам тегишли тавсиялар берилди.

Комиссиялар ёшларнинг қишлоқда муқим ишлаб кетиши билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан СССР Министрлар Советига бир қанча таклифлар билан мурожаат этишга қарор қилдилар.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари П. Н. Демичев, СССР Олий Совети палаталарининг раислари Л. Н. Толкунов, А. Э. Восс, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. Н. Ментешашвили, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

(ТАСС).

Александра Павловна Инкина СССР 50 йиллиги номидаги Самарқанд лифтсозлик заводининг тўртинчи цехида 10 йилдан бери мастерлик қилмоқда. У бошлиқ участка ҳар доим ойлик ва кунлик топшириқни 105—110 процент қилиб адо этаётир. Шу кунларда участка ишчилари Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлашмоқда.

Суратда: А. П. Инкина.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

• Шўрдарё трассаси қурилишида

САҲРОДАГИ МАРДЛИК

- СУВЛАР ОРОЛГА ОҚАДИ
- МУХБИРЛАР ПОСТИ МУЛОҲАЗА БИЛДИРМОҚДА
- ҚАРДОШЛАР ЯРАТГАН МАШИНА ҚУДРАТИ
- ВАХТА УСУЛИДА ИШЛАШГА МАДАД БЕРИЛСИН
- ҚУРУВЧИЛАР МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТГА МУҲТОЖ

Экинзорларнинг оқава сувларини Орол денгизига оқизиш бўйича Бухоро областида бошланган ишлар жадал тус олмоқда. Беш йилликнинг дастлабки иккй йилида Шўрдарё қурилишида деярли 14 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. Шу маблағнинг 4 миллион 493 минг сўмини бош пудратчи — «Главсредазирсовхозстрой»нинг 39-механизацилашган кўчма колоннаси коллективи ўзлаштирди.

Бу объектнинг регионда экин майдонлари тупроқ структурасини яхшилаш, Амударё сувини ортиқча минераллардан тозалашдаги аҳамияти беқиёсдир. Шўрдарё қурилишида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишга ёрдамлашиш мақсадида редакциямиз бу ерда «Совет Ўзбекистони» газетаси жамоатчи мухбирлар постини ташкил қилди.

Мухбирлар пости аъзолигига республикада хизмат кўрсатган механизатор Фердаус Жаппоров, экскаватор машинисти Анатолий Сингилевич, Олот район партия комитетининг инструктори Илҳом Сафаров, «Бухоро ҳақиқати» область газетаси фотомухбири Ҳайдар Қурбонов тасдиқландилар. Жамоатчи мухбирлар пости ишига газетамизнинг Бухоро областидаги ўз мухбири Нусратилло Наимов раҳбарлик қилади.

Машина кутилмаганда барханлар орасидаги анча кенг ва чуқур жарлик ёқасидан чиқиб қолди. Бу бош сув ташламасининг Ёмонжар канали остидан ўтадиган дюкери ҳавзаси экан. Жарлик ёқасида турган уч қаватли бинога тенг машина узун хартумини ҳадеб кўтариб-туширишдан ҳавза тубини қазишда давом этарди. Унинг эшикларидан бири очилиб, кенг яғринли рус йигити пастга сакраб тушди. Бу мухбирлар постимизнинг аъзоси, қурилишнинг илғор экскаваторчиси Анатолий Сингилевич эди. Ундан репортажимизни давом эттиришни илтимос қилдик.

— Сиз кўриб турган бу улкан машинани «Новакраматорск машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси азаматлари бунёд этишган, — деди у. — Йигирма икки йилдан буён машинистлик қиламан. Аммо кейинги бир йилда мана шу экскаваторда ишлаб, шахсий ўн йиллик нормамни ўринлатиб қўйдим. Мана, чўмичига қаранг. Сизлар миниб келган машина бемалол сиғади. Бир кўтаришда 6 кубометр тупроқни олиб чиқади.

Анатолий Семенович меҳмоннавозлик билан бизни ичкарига таклиф қилди. Экскаторнинг бошқарув кабинаси кўпроқ катта кемадаги капитанлик рубкасини эслатади. Машинист ўтирадиган юмшоқ креслонинг атрофида турли-туман тугмача ва лампочкалар милтиллаб турибди. Уч томондан ойнаванд кабина орқали бутун ҳавза қурилиши кафт устида турғандек яққол кўринади. Кабина ичига стол-стул қўйилган. Бир четда холодильник турибди. Радиоприёмникдан куй таралмоқда.

— Янги техникани ишлатиш юқори малакани талаб қилади, — давом этди сўзида у бир қават пастга тушганимиздан сўнг улкан машинанинг ичидаги механизмлар билан таништирар экан. — Кўриб турибсизки, бу экскаватордан кўра саноат корхонасининг катта бир цехига ўхшаб кетади. Ҳамкасбларим Нодир Хидиров, Владимир Эшпаев, машинист ёрдамчилари Тохир Хўжаев, Арсен Исаков, Ҳайрулла Хидиров бу механизмларни анча мукаммал ўзлаштириб олишди. Айни маҳалда биз иккита шундай экскаваторни ишлатмоқдамиз. Яқинда учинчисини ҳам йиғиш ишлари тугалланади. Бу йил яна иккита шундай экскаватор келади. Уларни бошқаришни ҳозирги ёрдамчиларимизга ишониб топшириш ниятимиз бор...

Трассада бундай экскаваторларга эҳтиёж катта. Биринчи навбат қурилишида тўртта мана шундай дюкерлар қурилиб Шўрдарё-Ёмонжар каналидан ташқари Аму-Қоракўл, Аму-Бухоро машина каналларининг иккала навбати остидан оқизилиши зарур. Уларнинг ҳар бирини қазиш учун эса қарийб ярим миллион кубометр тупроқ қазиб чиқариш талаб қилинади.

Айни маҳалда Аму-Қоракўл канали остидан ўтадиган дюкер қурилишида тупроқ қазиш ишлари ниҳоясига етиб, ҳавза остига бетон ётқизиш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишларда Ҳалим Жўраев, Ҳамро Турдиев алоҳида ибрат кўрсатишяпти. Узунлиги 158 метр, кенглиги 28 метрли бўлажак темирбетон иншоот бир-бирига параллел жойлашган олтита қувурдан иборат бўлиб, улардан лойиҳада кўрсатилган даражадаги шўр сув оқиб ўтади.

Олот шаҳрида фойдаланишга топширилган саноат базаси объектни қуришни жадаллаштириш имконини бермоқда. Бу ерда темирйўл шохобчаси барпо этилиши қурилиш материалларини тўхтовсиз етказиб беришга шароит яратди. Ишга тушган бетон узели ҳар соатда 40 кубометрдан қоришма тайёрлаб бермоқда. Базада транспорт ва механизмларни ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш станцияси, техник хизмат кўрсатиш цехи мавжуд. Участка бошлиғи Раҳматулла Бобоевнинг айтишига кўра, Шўрдарё тўла қувват билан ишга тушгач, мазкур саноат базаси уни ишлатувчилар ихтиёрида қолар экан.

Биз колонна бошлиғи В. Аминов ҳамроҳлигида бўлажак трассани бошидан охиригача кезиб чиқдик. Шўрдарёнинг 40 километрли ўзани коллектор сувларини қабул қилишга тайёр ҳолга келтирилган. Шу кунларда барча қазиш механизмлари ўн икки километрли фронт бўйлаб иш олиб бормоқда. Ҳозиргача объектда 12 миллион кубометрли тупроқ қазиш ишлари бажарилди. Моҳир экскаватор машинистлари Ф. Жаппоров, Б. Потехин, А. Челяков, бульдозерчи А. Очилов ва бошқалар смена топшириқларини 2-3 ҳиссадан бажаришмоқда.

Бундай меҳнат унумдорлигига қандай эришилмоқда? Мухбирлар постининг аъзоси Ф. Жаппоровдан мана шу тўғрида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Бизлар фойдаланаётган техника Анатолий Семенович ишлатаётган экскаватор каби юксак унумдорликка эга эмас. Меҳнат шароитлари ҳам унга нисбатан анча оғир. Шундай бўлишига қарамай беш йилликнинг ўтган даврида мен бошқараётган экипаж пландаги 360 минг ўрнига 988,8 минг кубометр тупроқ ишларини бажарди. Кўрининб турибдики, шахсий план деярли уч баробар ошириб бажарилди.

Бундай юксак унумдорликка, — давом этади у, — техникани бир дақиқа ҳам бекор қўймаслик эвазига эришмоқдамиз. Бир механизатор чарчаши билан унинг ўрнига иккинчиси ўтиради. Шундай қилиб, эрта тонгдан узоқ тунгача механизмлар тўхтовсиз ишлатилади. Барча механизаторларимиз вахта усулида меҳнат қилиб, бутун иш ҳафтаси давомида саҳродаги вагончаларда яшашади.

Жамоатчи мухбиримиз саҳронинг оғир шароитларида яшаб меҳнат қилаётган мелиораторларга зарур нарсалар етишмаслигини маълум қилди. Жумладан, экскаватор ва бульдозерларга етарли миқдорда эҳтиёт қисмлар етказиб берилмаяпти. Айрим ҳолларда қурувчиларни вахтага, юкларни объектларга ташийдиган автотранспорт воситалари учун шиналар етишмаяпти. Бундай камчиликларга «Главсредазирсовхозстрой»нинг раҳбарлари сабабчи.

Колоннада 600 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Шуларнинг деярли ярми аҳоли пунктларидан узоқда — вагончаларда яшаб меҳнат қилишяпти. Лекин шундай қурилишда ҳатто дастлабки медицина ёрдами кўрсатишга қодир медпункт ҳам йўқ. Область соғлиқни сақлаш бўлимининг раҳбарлари бу масалани ҳал қилишни пайсалга солишмоқда.

Агросаноат комплекси ходимлари касаба союзи область комитетининг раҳбарлари эса қурилиш учун касаба союз ташкилотининг раиси озод этилган лавозими штатини бериш масаласини ҳамон ҳал этишмаяпти. Ҳатто саҳрода ишлаётган механизаторларга хизмат кўрсатиш учун битта кўчма киноустановка ажратиш масаласи қурилиш бошланганидан буён муаммолигича қоляпти.

Шўрдарё қурилишига маҳаллий партия, совет, комсомол ташкилотлари етарли аҳамият беришмаётгани афсуслананари ҳолдир. Механизаторлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш эътибордан четда қолмоқда. Кўргазмали агитация воситалари деярли йўқ. Маданий-маиший хизмат, лекция пропагандаси йўлга қўйилмаган.

Бош сув ташламаси областдаги экинзорларнинг мелиоратив ҳолатига ижобий таъсир кўрсатадиган объектдир. Унинг дастлабки навбати ишга туширилиши билан оқ Олот, Қоракўл. Свердлов районлари экин майдонларидаги ер ости сувларининг сатҳи кескин пасайиши шубҳасиз.

Саҳро шароитларини писанд қилмай мардона меҳнат қилаётган механизаторлар эҳтиёжини қондириш масалаларига областда мана шу нуқтаи назардан ёндашиш лозим.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХАЛҚ ХОТИРАСИДА МАНГУ ҚОЛАДИЛАР

(Давоми. Боши биринчи бетда).

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ— «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» НАЗОРАТИДА

САЛОМАТЛИК ҲАММА УЧУН — ҲАММА НАРСА САЛОМАТЛИК УЧУН

Редакция кичик залидан репортаж

Сиҳат-саломатлик—ҳар бир киши учун бахт ва саодатдир. Меҳнат унумдорлигини, мамлакатнинг иқтисодий қудратини, халқ фаровонлигини ўстиришнинг зарур шартидир.

(«СССР аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишни ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, халққа малакали тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш бугунги кунда нафақат шу соҳа мутасаддиларини, балки партия ва совет ташкилотларини, кенг жамоатчиликни ўйлантираётган муаммодир. Халқимизда кенгашли тўй тарқамас, деган нақл бор. Зеро, кўпчиликнинг кўнглидагини билиб, дилидагини сезиб, тилидагини эшитиб, бамаслаҳат қилинган иш хайрли бўлиши шубҳасиз.

Шу боис Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри С. БАҲРОМОВ, Тошкент область партия комитети секретари Э. ФОЗИЛОВ, табиатни муҳофаза қилиш -республика жамияти президиуми раисининг ўринбосари О. АЛИМОВ, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг уй-жой-коммунал ва социал қурилишни планлаштириш бўлими бошлиғи М. ГАЛЯМОВ, Тошкентдаги 10-поликлиника бош врачи Г. САЛАБАЕВА ҳамда республика Санитария маорифи уйи бош врачи А. АКБАРОВлар газета редакцияси кичик залида соғлиқни сақлаш ишини яхшилаш хусусида ўзаро фикр алмашдилар. У яқинда «Саломатлик ҳамма учун — ҳамма нарса саломатлик учун» шиори остида нишонланадиган Жаҳон саломатлик кунига тайёргарлик доирасида ўтказилди.

Суратда: Баҳс қизғин тус олганда...

В. Молгачев фотоси.

Соат 15.00. Мунозара

С. Баҳромов: — Қадимги юнон мутафаккири Гиппократ табобат ҳамма санъатлар ичида энг олижаноб санъат эканини эрамиздан аввал таъкидлаган эди. Бугунги кунда эса Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти шу санъат кучи билан дунё халқларининг саломатлигини яхшилаш учун курашмоқда. Ҳақиқатан ҳам сўнгги йиллардаги фан, техника ва медицинанинг равнақи натижасида тўпланган билим ва имкониятлар бутун дунё халқларининг тиббий ёрдамга муҳтожлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Жаҳон саломатлик куни шиорига моманд ишлар мамлакатимизда жумладан, республикамизда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «СССР аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишни ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача мўлжалланган Асосий йўналишлари» ҳамда республика «Саломатлик» программаси асосида кенг кўламда олиб борилмоқда.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш умумпартиявий иш эканлиги — у ҳукуматга, биз, медикларга ва ҳатто аҳолининг ўзига ҳам боғлиқ эканлиги янада аққол кўринмоқда. Бироқ, тан олиш керакки, ҳали поёни кўринмаётган муаммоларимиз, камчиликларимиз кўп. Назаримда, булар турғунлик даври асоратлари. Уни «даволаш» эса мушкул бўляпти. Турғунлик аввало соғлиқни сақлаш иши учун ажратилган маблағларни вақтида, ўз ўрнида ўзлаштиролмаганимизда сезилмоқда.

БИЗНИНГ ШАРҲ: Шу йилнинг февраль ойида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг мажлисида бир факт алоҳида таъкидланган эди: «Беш йилликнинг икки йили давомида соғлиқни сақлаш объектлари қурилишида 44 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди. Бу маблағнинг ўзлаштирилиши қўшимча равишда 1950 ўринли касалхоналарни ва бир сменада 2600 кишини қабул қиладиган поликлиникаларни ишга туширишга имкон берган бўлур эди. Бухоро, Жиззах, Навоий ва Самарқанд областларида соғлиқни сақлаш объектлари қурилиши учун ажратилган маблағлар етарли даражада ўзлаштирилмаяпти.

С. Баҳромов: — Ваҳолонки бу аҳоли саломатлигини таъминлашнинг муҳим омилидир. Бундан ташқари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таъкидича, ҳар бир халқ сиҳат-саломатлиги аввало соғлом турмуш тарзига, қолаверса кўп жиҳатдан атроф-муҳит мусаффолигига боғлиқ.

О. Алимов: — Шунинг учун айтишади-да «Очиқ ҳаво танга даво» деб (**Енги, кулги**). Республикамизда аҳоли соғлигини сақлаш учун биринчи навбатда табиатни тоза қилиш керак...

Э. Фозилов: — Фақат республикада эмас, Ориф Алимович. Умуман, ҳамма ерда бунга катта эътибор бериш керак.

О. Алимов: — Тўғри. Қаранг ҳар хил химиқатлар натижасида сув заҳарланса, ҳар гектар ерга 54 килограмм заҳарли химикатлар солингач, даладаги қовунтарвузга билиб-билмас «заҳар солиб» танамиздан заарли микроб, вирусларнинг жой эгаллашига ўзимиз сабабчи бўлсак-да, қандай қилиб кишиларнинг соғлигини асрашни шифокорлардан талаб қиламиз. Шундай гўзал, бокира табиатимизни булғаётган бошқа министрликлар бўлса-ю, биз эса беморларни даволай олмайди деб Соғлиқни сақлаш министрлигидан нолисак. Мен бу билан министрликни масъулиятдан холи қилмоқчи эмасман. Фақат ҳақиқатга тик боқишни, уни ўз номи билан аташ кераклигини уқтирмоқчиман, холос.

Шифохоналар етишмайди, дори-дармон тақчил бўлади, деймиз. Ахир булар маълум нормага мўлжалланган. Шу туфайли «заҳар» табиатдан зарарланган кишиларга шифохоналарда жой ҳам, вақти келса дори ҳам етишмайди.

Республикамизда оналар ва болалар ўлими кўплиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабабчиси ҳам табиатнинг тоза эмаслигидан. Наҳотки шу оддий, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатни партия, совет, касаба союз ташкилотлари тушуниб етишмаса?

Э. Фозилов: — Юз ёш ва ундан ошган кишилар ҳақида кўп эшитамиз, ўқиймиз. Ҳозир гапингизни тинглаб ўтириб, шундай фикр хаёлимдан ўтди. Узоқ йил яшашнинг боиси ҳавонинг мусаффолигидан-да.

О. Алимов: — Узоқ яшашнинг муҳим рецепти шу деяверинг (**кулги**). Тўғри, кейинги йилларда табиат муҳофазаси юзасидан қатор қарорлар қабул қилинди, турли тадбирлар белгиланди. Бироқ бунинг ижроси, очиқ айтиш керак, «нолдан» нарига ўтмаяпти. Бир мисол келтирай: бундан икки йил аввал Сирдарё бўйларидаги экологик аҳволнинг танглиги ҳақида «Сирдарё, соғлиғинг қалай!» деб номланган фильм яратдик. Кўпчилик уни кўрган бўлиши керак. Унда бир қатор областларнинг ижроия комитетларини, бир қанча министрликларни танқид қилдик. Сув қуйгандек, жим-жит: гўё ҳеч ким ҳеч нарса кўрмаган, эшитмаган.

Бир йилдан кейин худди ўша жойлардан иккинчи фильмни тайёрладик. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, аҳвол ёмонлашган бўлса бору, аммо ўзгармаган. Ҳамма нарса ўша-ўша, аввалги ҳолича ташлаб қўйилган. Мана иккинчи фильмни кўрсатганимизга ҳам анча бўлди. Аммо ҳануз ҳеч бир силжиш йўқ. Табиат муҳофазасига бағишланган танқидий материаллар «Наштар» киножурналида. «Ахборот» танқид қилади», «Инсон ва табиат» ойлик телекўрсатувида мунтазам бериб борилади. Бироқ уларнинг кўпи ҳам жавобсиз қолади. Ҳайронсанда: наҳотки хўжасизлик шу даражага етиб борса? Ахир ишга совуққонлик ҳам эви билан-да!

Зарафшонни олтин ташувчи дарё дейишарди бир вақтлар. Унинг ҳозирги аҳволини кўрсангиз, юрагингиз ачишади. Ёки Тошкентнинг «ўпкаси» — Бўстонлиқни олайлик. Биз ҳозирги мавжуд аҳволни сақлаб қолиш мақсадида бу ерда миллий боғ ташкил этишни талаб қиляпмиз. Бироқ мутасадди ташкилотлар очиқдан-очиқ бунга қаршилик кўрсатишяпти. Ахир, келажакни биз ўйламасак, ким унинг ғамини қилади?

Менимча кишилар соғлиғини сақлашнинг, таъбир жоиз бўлса, ота-онаси ҳам, ҳаво-суви ҳам табиат, табиат, табиат. Бинобарин уни авайлаб асраш, ардоқлаш керак, азизлар.

Соат 16.00. Муҳокама

Э. Фозилов: — Соғлиқни сақлаш социал соҳанинг энг муҳим ва ҳаётий зарур йўналишларидан бири эканлиги шубҳасиз. Афсуски, турғунлик йилларида унга етарли эътибор берилмади. Медицина муассасалари қурилишига маблағ ажратиш қолдиқ принципида бўлганлиги ҳозир ҳаммага маълум салбий ҳодисаларга олиб келди.

Тошкент область партия ташкилоти КПСС XXVII съезди. Марказий Комитетнинг кейинги Пленумлари талабларидан келиб чиқиб, соғлиқни сақлашни ривожлантиришга қайта қуришнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида эътибор бермоқда. Аввало даволаш-профилактика муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда.

Айни дамда маъмурий биноларни медицина муассасалари учун бўшатиб бериш тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қабул қилган қарорнинг аҳамияти катта. Икки йил илгари маъмурий биноларни бўшатиб берилганди. Бундай биноларнинг ҳеч бирининг навбатда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида фойдаланиляпти.

Яқинда Янгийўл район партия комитетининг собиқ биноси даволаш-соғломлаштириш комплекси ҳисобланган болалар поликлиникасига айлантирилди. Район милиция ишлари учун қурилган бинода эса болалар касалхонаси ташкил этилмоқда.

БИЗНИНГ ШАРҲ: Бироқ райондаги янги туғруқхона ва болаларнинг сут ошхонасини қуриш ҳақидаги масала беш йилдан буён ҳал қилинмаяпти.

Э. Фозилов: — Коммунистик, Бўка, Оржоникидзе районларида ҳам шу сингари тадбирлар амалга оширилмоқда.

С. Баҳромов: —Шу ўринда медицина олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик яхши самара беряпти, чоғи.

Э. Фозилов: — Бу алоҳида таъкидга лойиқ, Саиджалол Маҳмудович. Тошкент районида «Узколхозздравница»нинг 90 ўринли «Оқ олтин» дам олиш уйи етти йилдан бери бўш ётар эди. Ҳозир бу ерда юз ўринли болалар шифохонаси ташкил этиляпти. Уни Ўрта Осиё педиатрия институти оталиққа олди. Тошкент давлат медицина институти ҳам қишлоқ жойларда тиббий ёрдамни ташкил этиш ишида фаол қатнашяпти...

М. Галямов: — Эргаш Исмоилович, мен бир нарсани билгим келяпти: маъмурий биноларни медицина муассасаларига бўшатиб беришда келишмовчиликлар бўляптими? Чунки бу муҳим тадбирни ҳали тушуниб етмаган раҳбарлар ҳам бор-да.

Э. Фозилов: — Фикрингизни тушундим. Бўстонлиқ районида «Главташкентстрой», 12-трестининг 2-механизациялашган кўчма колоннаси биноси бор. Колонна тугатилгач, унинг биносини медицина муассасаларига бўшатиб беришга қарор қилинганди. Бироқ бино дам олиш уйига айлантирилади, деган баҳона билан ҳануз бўшатилгани йўқ. «Тоқ-тоқ» санаторий-профилактории, «Ташгорводоканал» ўз биносини болалар шифохоналарига ажратиб бериш тўғрисидаги қарорни бажармаяптилар.

Г. Салабаева: — Очиғини айтганда, қилинаётган бу ишларни партия ва ҳукуматимизнинг соғлиқни сақлаш ишига «тез ёрдам»и дейиш мумкин. Бироқ буни Эргаш Исмоилович таъкидлаганидек кўпгина раҳбарлар, қайтараман, худди раҳбарлар тушуниб етишмаяпти. Наҳотки, республикадаги тиббиётнинг бугунги ташвишига улар шунчалар бефарқ қарашса?

М. Галямов: — Медицина муассасаларига жой ажратиш қуриш ҳақиқатан бугунги кунда долзарб муаммо. Шу беш йилликда биз 250 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 160 фельдшер-акушерлик пункти, 28 болалар сут ошхоналари қуришимиз керак. Бу бажарса бўладиган ишлар. Бироқ кўпинча маҳаллий ташкилотлар колхоз ва совхозларнинг ўз ҳисобларидан район шифохоналари, даволаш-профилактика муассасалари қуриб беришни сўраб, бизга мурожаат қилишади. Кейинги йил 1 январдан Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг ҳамма хўжаликлари ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтиши муносабати билан, фикримизча, бундай муассасалар қурилиши область ижроия комитетларининг йўли билан бўлиши керак. Колхоз ва совхозларда эса кўпроқ амбулатория, медицина пунктлари қуриш мақсадга мувофиқ. Чунки, бемор дастлабки «тез ёрдам»ни шу ерда олади.

БИЗНИНГ ШАРҲ: Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг мажлисида айтилган яна бир факт: «Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети «Сўнгги икки йил ичида 26 та қишлоқ врачлик амбулаторияси ва 22 та фельдшер-акушерлик пункти қурилиши планини бардод этди. Бундай объектларни қуришда Қорақалпоғистон АССРда, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм областларида айниқса оғир аҳвол юз бермоқда».

М. Галямов: — Қорақўлчиликка ихтисослашган район совхозларида, кам аҳоли яшайдиган жойларда қишлоқ врачлик амбулаторияси ва фельдшер-акушерлик пунктларини туташ қилиб қуриш мақсадга мувофиқ. Бунинг қурилиши учун Соғлиқни сақлаш министрлиги махсус институтлар ёрдамида типовой лойиҳаларни маъқуллаши керак. Бизни айниқса болалар сут ошхоналарининг қурилиши ташвишга соляпти. Чунки мавжуд типовой лойиҳадан негадир фойдаланилмаяпти. Балки сут ошхоналари ўрнига катта шундай цехлар қуриш керакдир. Бу масалада ҳам Соғлиқни сақлаш министрлигининг хулосасини билишни истардик.

Соат 16.30. Мулоҳаза

С. Баҳромов: — Ўлкамизни бекорга жаннатмакон дейишмайди. Ҳатто минерал сувлар чиқаётган жойлар бор. Диёримизни санаторий курортлар масканига айлантиришимиз мумкин. Бироқ халқимизнинг санитария маданияти билан боғлиқ масалалар мавжуд.

Хизмат тақозоси билан қатор областларда бўлганимизда, айниқса қишлоқ жойларда шу нарса яққол сезиладики, кишилар шахсий гигиена қоидаларига мутлақо риоя қилишмайди. Хонадонларда кўпчилик битта сочиқдан ёки идиш-товоқлардан фойдаланади. Бир қараганда жуда майда бўлиб кўринса-да, турли юқумли касалликлар, айниқса сариқнинг кенг тарқалишида бу асосий омил ҳисобланади. Бундан ташқари кишининг ўзига қарашида ҳам гап кўп. Ваҳолонки, худди шундай икир-чикирлардан катта проблемалар юзага келмоқда. Ахир, кексалар таъбирича, ҳамма нарсани бошидан бошлашнинг хосияти улуғ.

Э. Фозилов: —Бир нарсага ҳайрон бўламан-да, Саиджалол Маҳмудович, ахир ўзимиз ҳам шундай катта бўлганмиз-ку...

О. Алимов: — Унда атроф-муҳит покиза эди.

БИЗНИНГ ШАРҲ: Ҳақ гап, унда, табиат мусаффо эди. Ариқ сувига қарасанг, тиниқлигидан ўз аксинг кўринарди. Юз-қўлингни ювиб, бахринг очилса, ҳовучлаб ичганингда тананг яйрарди. Тандирдан узилган қайноқ кулчани ариқ сувида оқизоқ қилиб ейишнинг гаштига нима етсин. Ҳеч ким касал бўлишни касалликка ҳам келтирмас, гўё ҳар қандай хасталикни булоқ, ариқларнинг тиниқ суви ювиб кетгандек бўларди. Эндичи! Шаҳардагиси майли-я, қишлоқларда ҳам тиниқ ариқ сувларини кўриш амри маҳол. Ахир, ота-боболаримизнинг сувга ҳатто тик боқиш гуноҳ дегувчи ўгитлари, унга ахлат ташлаш у ёқда турсин, ҳатто тупуриш мумкин эмаслиги тўғрисидаги панд-насиҳатларини бугунги кунда нега ёддан чиқаряпмиз! Эшигимиз тагидан оқадиган сувдан тортиб, катта-катта анҳорларнинг булғанишига нега йўл қўйяпмиз! Ахир шу билан ўз саломатлигимизга ўзимиз чанг соляпмиз-ку... Шу ҳақда бир ўйлаб кўрайлик.

А. Акбаров: — Саиджалол Маҳмудович, Сиз ўртага ташлаётган масалалар бевосита бизнинг санитария маорифи системамизга боғлиқ. Бугунги кунда олдимизда ишлаб чиқариш корхоналарида, дала шийпонларида, мактаб, олий ўқув юртларида, ҳар бир хонадонда юксак санитария маданиятига эришиш ва жамиятимиз ҳар бир кишисининг кундалик ҳаётида соғлом турмуш тарзини жорий этиш вазифаси турибди. Бу ишга барча медицина ходимлари, олимларни жалб қилиб, тарғиботнинг турли усулларидан фойдаланган ҳолда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Э. Фозилов: — Менимча, участка терапевтлари, педиатрлари хонадонларда беморларни даволаш билан бирга, уларнинг яшаш шароити, турмуши билан танишиб, кези келганда маҳаллаларда суҳбатлар уюштиришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Г. Салабаева: — Бундай тажриба биз учун янгилик ҳисобланмаса-да, лекин қишлоқ поликлиника, амбулаториялари, фельдшер-акушерлик пунктлари шифокорлари учун ҳатто зарур деб, ўйлайман.

О. Алимов: — Ҳақиқатан аҳоли санитария маданиятини кўтариш жуда муҳим. Бу ўринда санитария-эпидемиология станция (СЭС)лари ролини ошириш талаб этилади.

Гоҳо шундай бўладики, бирон жойдан нохуш хабар келади-ю, ҳамма оёққа туради. Дейлик, овқатдан заҳарланиш. Юғур-юғур бошланади, комиссия тузилади, СЭС текшириш ўтказади. Ахир, воқеа содир бўлишидан аввал қаёқда эди ўша СЭС — бу ҳеч кимнинг хаёлига келмайди.

Менимча, санитария-эпидемиология станцияси ходимларининг масъулиятини ошириш керак. Аҳоли санитария маданиятини юксалтиришга жон қуйдирсин улар ҳам. Маҳалла-кўй, одамлар орасида бўлиб жамоатчилик фикрини қўзғатишга ҳаракат қилиш керак. Токи, сувни булғатаётган, кўча-кўйларга, истаган жойга ахлат тўкиб кетаётганларга бепарволик билан қарамайдиган бўлайлик. Ахир лоқайдлик оқибатида турмушимиз, ҳаётимизда қанча нохуш воқеалар содир бўлгани сир эмас-ку.

С. Баҳромов: — Кези келганда, яна бир фикрни ўртага ташламоқчи эдим. Бу қайнатилган сувдан фойдаланиш масаласи. Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш системасидаги қатор проблемаларнинг вужудга келиши шуни кўрсатдики, инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳамма нарса — аҳоли яшаш шароити, унинг овқатланиши, дам олиши медицина назоратида бўлиши керак.

Қишда Фарғона областидаги бир мактабда бўлгандим. Мактаб ҳовлисида жилдираб оқаётган водопроводни кўрдим. Болалар танаффусда бири қор бўрон ўйнаб, бири сирпанчиқ учиб юришарди. Бирдан дарсга қўнғироқ чалинди-ю ўқувчилар бирин-кетин қўл ювишди, юзбетини чайишди, бошқалари эса ҳалиги муздай сувни ичди. Юракларим ачишиб кетди. Бунга ҳеч ким парво ҳам қилмасди.

А. Акбаров: — Одатий ҳол денг...

С. Баҳромов: — Афсуски, шундай. Бунинг ўрнига мактаб ичкарисига бакми, титанми ўрнатиш мумкин эмасми? Хитойда шундай одат бор. Оиларда киши бошига термос сақланади. Ким сув ичиси келса, ўз термосидан қуйиб ичади. Умуман болалар муассасаларида қайнаган сувдан фойдаланишни қатъий қилиб қўйиш керак. Бу нарса катталарга ҳам тааллуқли, албатта.

М. Галямов: — Умуман жойларда ичимлик сувдан фойдаланиш масаласи ҳозир катта муаммо ҳисобланади. Масалан, Қашқадарё областида ичимлик сув етишмайди.

Г. Салабаева: — Уларни қандай таъминлаш мумкин?

М. Галямов: — Ҳар йили республикамиз колхоз ва совхозларида 630—650 километрли водопроводлар қурилади. Табиийки, улар аҳоли эҳтиёжини қониқтирмайди. Кейинги йилга ишга туширилиши мўлжалланган Туямўйин-Урганч-Нукус йирик водоводидан умидимиз катта. У катта территориядаги аҳолини сув билан таъминлайди. Бундан ташқари қудуқ сувларидан ҳам фойдаланиляпти...

С. Баҳромов: — Чамалаб кўрилганда, бу аҳволда аҳолини 2010 йилга қадар ичимлик сув билан таъминлаб бўлмайди. Биз бу борада пластмасс идишлардан фойдаланишни тавсия этяпмиз. Ичимлик сувни шундай идишларда тарқатиш фойдали.

А. Акбаров: — Сувдан фойдаланиш масаласида ҳам санитария маорифининг агитация-пропаганда иши керак, албатта. Тўғри бу борада ва умуман медицина мавзуида матбуотда ҳар хил материаллар бериб борилади. Бироқ шифокор маслаҳати типидаги мақолалар мунтазам керак. Шу боис бир таклифим бор эди. Медицина ва гигиена фани соҳасидаги билимларни кенг халқ оммасига етқазиш, соғлом турмуш тарзига риоя этиш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида ўзбек тилида «Сиҳат-саломатлик» журнали нашр этилса.

Э. Фозилов: — «Здоровье» журнали бор, қолаверса кейинги пайтда барча газета ва журналлар соғлиқни сақлаш мавзуига алоҳида эътибор беришяпти. Журнал шартмикан?

А. Акбаров: — Биз шарт деб ўйлаймиз. Чунки «Здоровье»нинг 1,6 процентигина республикамизга тарқатиларкан. Ҳатто кўпгина қишлоқ жойларга у етиб ҳам бормайди. Ундан ташқари «Здоровье»да бизнинг шароитимизга доир материаллар кам.

С. Баҳромов: — Турмуш маданиятимизни кўтаришда янги нашрнинг зарурлиги сезилмоқда. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги билан ҳам келишилган. Бу таклифни маъқуллаш керак.

Г. Салабаева: — Айтилаётган фикрларни тингларканман, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бу йилги шиорини хаёлимдан ўтказдим. Саломатликнинг ҳамма учун зарурлиги бу аниқ гап. Бироқ ҳамма нарса саломатлик учун дегани нима? Ҳозир партия ва ҳукуматимиз соғлиқни сақлаш ишини яхшилаш учун қандай ёрдам керак бўлса беряпти. Шунга яраша ўзимизда ҳам ҳаракат бўлиши керак.

Қарор қабул қилинади, буйруқ берилади, бироқ уни поликлиника, шифохоналардаги шифокорлар бажаради. Бизга ҳам осон тутманглар. Матбуотда ишимиздаги салбий кўринишлар кўп ёритилади. Бироқ ижобий томонлар ҳам бор. Масалан, нима учун неча йиллаб ўз касбини ардоқлаб келаётган шифокорлар иш тажрибаларини матбуотда ёритиш мумкин эмас? Ахир, қайта қуришнинг иккинчи босқичи талабларидан бири шу-ку?

Луқма: — Соғлиқни сақлаш ишида қоғозбозлик кўп, наҳот уни қисқартириш мумкин эмас! -[Савол жавобсиз қолди].

Э. Фозилов: — Шифокорлар фидойи, қўли тоза, қалби пок, бамисоли фариштa бўлиши керак. Бироқ уларнинг орасида беморнинг касалини аниқлашдан, тўлғоқда қийналаётган аёлга ҳамдард бўлишдан, оғриқдан чинқириб йиғлаётган гўдакка ёрдам беришдан аввал қўлингизга қарайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Г. Салабаева: — Сиз ҳақсиз. Бундай гаплар биз учун қора доғ. Афсуски, беш панжа баробар эмас. Виждонини ютганларни шифокор деб аташга тилим бормайди. Ахир, касбимиз нақадар олижаноб, шарафлиқу. Аввало шу касбни танлагандаёқ совет врачи қасамёдидан ташқари ҳар кимнинг дилида ўз қасами бўлиши керак деб ўйлайман. Бемор билан баравар ёниб, баравар хасталаниб, бараварр тўзала олгандагина ҳақиқий шифокор бўлиш мумкин.

М. Галямов: — Замонавий медицина асбоб-ускуналаридан фойдаланиш масаласига ҳам тўхталсак. Чунки даволашнинг кўп усуллари бизнингча (биз-ку медик эмасмиз-а), эскига ўхшайди.

Э. Фозилов: —Фикрингизни бир мисол билан исботлай: урологияда операциясиз даволаш методи бор. Эшитишимча, бизда худди шу усулда даволаш учун аппаратлар йўқ экан.

С. Баҳромов: — Айнан шу аппаратни қўлга киритиш учун жуда кўп ҳаракат қиляпмиз. Медицина муассасаларини умуман замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласида ҳам ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Моддий база йўқ жойда ишнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмаслигини тушунамиз.

Э. Фозилов: — Малакали мутахассисларсиз ҳам иш қилиб бўлмайди. Шу мақсадда кадрларимизни чет элларга, тажриба алмашишга юборсак фойдадан холи бўлмасди.

О. Алимов: — Жуда тўғри. Бу масалани ижобий ҳал қилиш керак.

Редакциянинг кичик залидаги суҳбатда республикамизда соғлиқни сақлаш ишини яхшилаш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг айримлари тилга олинди, холос. Қўйилаётган вазифалар, ҳал этилиши, бажарилиши лозим масалалар кўлами эса кенг. Саломатлик ҳар биримизга, сизу, бизга зарур экан, демак қўлимиздан келганча биз ҳам унга кўмак беришимиз керак. Шундагина ҳар бир хонадондан саломатлик аримайди.

Репортажни «Совет Ўзбекистони» мухбирлари

Ж. САЪДУЛЛАЕВ,
М. ПИРМАТОВ,
У. ФАЙЗИЕВА
олиб боришди.

Техник кўрик—88

ЙЎЛГА ЧИҚИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Бу йил автотранспорт воситалари техник кўрикдан қандай ўтказилади? Бу савол ҳар бир транспорт воситаси ҳайдовчисини қизиқтириши табиий. Бу йилги ўтказиладиган техник кўрикка республикамизда ўзгартишлар киритилгани йўқ. Ҳар йилгидек барча турдаги транспорт воситалари кўрикдан ўтиши шарт.

Автокорхона, ташкилот, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари техника кўриги бошланишидан анча олдин Давлат автомобиль инспекциясига тегишли ҳужжатларни топширадилар. Техник кўрикни ўтказиш Давлат автомобиль инспекцияси томонидан маълум график асосида белгиланган кунларда ва унда кўрсатилган жойларда ўтказилади.

Техника кўригида айниқса йўловчи ташиш транспортига алоҳида эътибор берилади. Чунки бу транспорт воситалари ҳаракати бевосита инсон ҳаёти билан боғликдир. Шунинг учун автокорхона раҳбарлари, инженер-техник ходимлари бу транспорт воситаларини барча керакли бўлган жиҳозлар билан таъминлашлари зарур. Жумладан, авваламбор унинг техник созлигига, аптечка, ўт ўчириш асбоблари, авария белгиларига алоҳида эътибор берилиши керак. Бундан ташқари ҳар бир ҳайдовчининг тегишли категорияси бўлган гувоҳномаси, огоҳлантириш талонлари, транспорт воситасининг двигатели, шасси, кузов номерларининг техник паспорт билан мувофиқлиги ҳам текширилади. Шунингдек, йўловчи ташиладиган транспорт воситаларининг ташқи кўринишига, унинг санитария ҳолатига ҳамда спидометрларнинг созлиги, уларнинг пломбаланганлигига ҳам эътибор берилади.

Махсус автомобилларда эса уларнинг техникавий созлигидан ташқари махсус жиҳозларнинг бор-йўғлиги ҳам текширилади. Агарда автотранспортдан фойдаланишда ана шу ускуналар ўзбошимчалик билан олиб қўйилган бўлса, айбдорларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилади. Капитал ремонт қилинаётган транспорт воситалари ремонт тугаганидан кейин техник кўрикдан ўтказилади. Хўш шахсий транспорт воситалари техник кўрикдан қандай ўтказилади? Бу борадаги қоидаларга ҳам ўзгартишлар киритилгани йўқ. Яъни, шахсий автомашиналар, мотоцикллар бир йилда бир марта ўтказилиб, бу муддат 31 июлгача давом этади.

Техник кўрикка шахсий транспорт эгалари, машинанинг ёки мотоциклнинг техник паспортини, ҳайдовчилик гувоҳномасини, медицина справкасини, йиллик техник кўрик ҳамда йўл тўлови квитанцияларини тақдим этишлари лозим. Бундан ташқари унинг техник жиҳатдан созлиги, ташқи кўринниши, аптечка, авария белгилари билан таъминланишига эътибор қилинади.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги автомотоҳаваскорлар эса Давлат автомобиль инспекциясининг яқинда ташкил этилган диагностика пунктидан техник кўрикдан ўтадилар.

Транспорт воситасининг техник жиҳатдан соз бўлиши, бу аввало ҳайдовчининг сафари бехатар бўлишини таъминлайди. Шунингдек, кишиларнинг соғ ва саломат ўз манзилларига етиб олишларида муҳим роль ўйнайди.

А. НИКОЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги Давлат автомобиль инспекцияси техника назорати бўлимининг бошлиғи.

Қ. МУҲАММАДЖОНОВ,
милиция капитани.

● УҚИНГ, ҚИЗИҚ

13 ЁШЛИ ИХТИРОЧИ

Югославиялик энг ёш, лекин ихтирочи деб тан олинган Миодраг Мичик ўн уч ёшдадир. У Белград мактабларидан бирида 8-синфда ўқийди.

Иттифоқ патентлар институти Миодрагнинг учта ихтиросини эълон қилди. Биринчи ихтироси автомобиль газларини тозалаш муаммосини ҳал этади, иккинчиси мис рудаларини қайта ишлашда янада тежамкорлик ролини ўйнайди. Мактаб ўқувчиси яна двигателнинг янги намунасини яратди.

Бола икки ёшданоқ ўқишни ўрганган. «Политика» газетасининг хабарига кўра, у серб ва инглиз тилларида шеър ёзади, рус ва немис тилларида бемалол гаплаша олади.

Инсон оловни кашф этди.
Оила вужудга келди.
Жамият синфларга бўлинди. Социалистик революция амалга ошди. Душманлар Абдулла Набиевни ўлдиришди. Александр Матросов юрак амрини бажарди. Юрий Гагарин космосни забт этди. Чернобилда фожиа юз берди. Чақмоқ чақди. Юлдуз учди. Инсон туғилди. Буларнинг барчаси бир онда, бир лаҳзада содир бўлди.
Лаҳза... Ҳар куни, ҳар соатда қанчадан-қанча лаҳзалар мангулик кашф этади ва тарих саҳифаларига кўчади.
Эҳ, бу лаҳзалар!

ЛАҲЗАЛАР

ҲАЁТ МАКТАБИ

Куни кеча икки ўртоқнинг ошиғи олчи, айтгани айтган, дегани деган эди. Улар ҳамиша бирга бўлишарди. Қаерга боришмасин уйнинг тўри ўшаларники. Бири сотувчи, иккинчиси институтда кечик илмий ходим бўлиб ишларди.

Илмий ходимга дўстининг серхаражатлиги ёқса, сотувчига дўстининг отаси прокуратурада ишлаши манзур эди.

Вақт ғириллаб ўтиб борарди. Ёзда илмий ходим отпускага чиқди. Сотувчи ҳам шу қарорга келди: бирга дам оламиз.

— Путёвка йўқ-ку, — деди лаборант.

— Қайғурма, дўстим, мен ёнингдаман, — деди сотувчи.

Иккаласи йўлга отланди. Поезд жойидан жилар-жилмас маишат бошланди. Кўп ўтмай паловхонтўра тайёр бўлди. Кўк чой, қора чой, «оқ чой»лар истаганча... Ресторан официанткаси-ю, вагон проводникларигача шулар атрофида гирди-капалак. Ҳатто поезд бригадири ҳам купедан чиққиси келмай қолди...

Дўстлар манзилга етиб келишди. Оддий сотувчининг сўзамоллигига ҳамма ҳавас қиларди. У ким билан гаплашмасин ўша одамни ўзига ром қилиб оларди, дарров иноқлашиб кетарди. Улар ҳеч қийналмай меҳмонхонага жойлашишди. Кечқурун шаҳарнинг энг машҳур ресторанига боришди. Эртасига ҳам шундай бўлди. Қисқаси, қаерга боришмасин совуқроқ кутиб олишарди-ю, кетишда иззат-ҳурмат билан кузатишарди.

Учинчи куни бир-бирларини йўқотиб қўйишса бўладими? Илмий ходим сотувчи дўстини ахтармаган жой қолмади. Қаерларга борган бўлишса, ўша ерларга кириб чиқди. Ҳамма ерда уни илиқ кутиб олишди, лекин бўзрайиб, энсалари қотиб кузатишарди. «Нима ёмонлик қилдим, уларга?» — Не азоб билан эртаси кунга билет олди. Уч-тўрт кун ичида юз берган воқеаларни эслади. Дўсти доим кулиб, хушчақчақ юрди. Фақат бир мартагина, у ҳам бўлса кеча уйга телефон қилгандагина кайфияти негадир ўзгарди. Уйда тинчликмикан? Боши бироз оғриб ўзини ёмонроқ сеза бошлади. Проводниккдан чой сўради. «Ҳали қайнамади», деган жавоб олди. Қизиқ, нега ҳеч ким унга қуллуқ қилмайди, палов тугул чойни ҳам ўз вақтида олиб келишмайди? Куни кеча кулиб, қуллуқ қилиб турган официантка-ю, проводниклар қани? Меҳмонхонадаги, ресторандаги тиржайиб турганлар-чи?-

Ҳа, энди тушунди. Анча кеч, аммо тушунди.

Дўстининг қудрати пулларида экан!

Илмий ходимнинг қудрати эса отасида, унинг прокуратурада ишлаганида экан.

Қизиқ, дўсти уйга телефон қилганда отаси пенсияга чиққан, кайфияти бузилиб уни ташлаб кетганининг сабаби шундан экан.

Дўсти «нима эксанг шуни ўрасан», дейишни яхши кўрарди. Шундай бўлди. Мана уч йилдирки, илмий ходим эски дўстлик ҳурмати гоҳоҳида передача олиб, уни кўргани боради...

МУҲАББАТ

Бир-бирига муҳаббат изҳор қилиб улгурган икки ёш йўлда бораётганида, қиз йигитга дебди:

— Жиннивойим, бирхиллик жонингизга тегмадими? Ҳар куни бирдайсиз! Тортинчоқ, тўғриси, ланжсиз. Замонавий бўлинг.

— Нима қилай, Муҳаббатхон?

— Муомалангизни ўзгартиринг, кино, музқаймоқ, трамвай жонга тегди. Уйимга етганда беш минут турасиз-да, «яхши энди уйга кирақолинг, ота-онангиз хавотир олишмасин» дейсиз-у шу заҳотиёқ ғойиб бўласиз. Одам ҳеч нимага тўймайди. Бу аҳвол қачонгача давом қилади, қани айтинг-чи?

— Танишганимизга энди уч кун бўлдику?!

— Камми уч кун?! Ёки сиз эскичасига ойлаб, йиллаб шундай юрмоқчимисиз? Йўқ, севгимнинг қариб кетишини истамайман. Бирхиллиқни ҳам жиним кўтармайди. Уч кундан бери Муҳаббатхон, Муҳаббатхон дейсиз. Оғзингиздан жоним, азизим, қуёшим деган сўзлар чиқса бўлмайдими? Қалдирғочим денг, гулим денг, фариштам денг. Қийинми шундай дейиш?!

— Хўп бўлади, Муҳаббатхон. Агар сизга шундай қилишим ёқса, марҳамат, сиз айтгандай бўлсин, Муҳаббатхон.

— Яна Муҳаббатхонми?

— Кечирасиз, азизим Муҳаббатхон!

— Азизим яхши, Муҳаббатхонига бало борми? Жа бўлмаса Муҳаббатим денг.

— Хўп бўлади, Муҳаббат...

— Йўқ. Сизда ўзгариш бўлмайди. Эссиз ўтган уч куним. Сиз эскича одам экансиз. Сизни севолмайман. Хайр.

— Муҳаббатхон! Кечирасиз, Муҳаббатим, жоним, юлдузим, қуёшим...

Барибир бўлмади. Бечора Муҳаббат, шунчалар эскиб қолишини билганида...

МУСИЧА ВА ҚУЗҒУН

Мода мусича эндигина тухумни очиб чиққан болаларига ҳашорат тутиб келиш учун уясидан учди. Ўлжани топиб болалари ёнига қайтаётганида фалокат юз берди. Йўлдан гизиллаб ўтаётган машиналарнинг бирига урилиб кетди ва чирқиллагانича ерга тап этиб тушди. Оғзида ҳашоратлар...

Чинорнинг тепа шохида ўтирган қузғун шу заҳотиёқ пастга шўнғиди ва типирчилаётган мусичани даст кўтариб одамлардан хилватроқ томонга учиб кетди.

Йўланиб қолдим. Бу ҳайвоний одат одамзотдан ҳайвонотга ўтганми, ёки...

НУР ВА СОЯ

Нур тутоқиб Соя билан баҳслашар эди. Қуюнганидан ҳарорати борган сари ортар эди. Ўша куни одамларга ҳам қийин бўлди, ҳамма Сояни ахтара бошлади. Соя-га шу керак эди.

— Э, Соя, менсиз сен йўқсан, — деди Нур.

— Йўқ, мен сенсиз ҳам мавжудман, — ўжарлик қиларди Соя.

— Майли, лекин менсиз ҳеч кимга зарур бўлмайсанку!

— Кўринмасликни афзал кўраман.

— Энди кўринмаслик салтанати инқирозга учради: рўй-ростлик даври бошланди. Сояда иш бажарувчилар сафи озаяверади, яқин келажакда умуман тугайди. Ўшанда нима қиласан, Соя?

— Парво қилма. Сен ўзингни ўйла, мен ўз кунимни кўраман.

Ҳаркалай одамларга аввало Нур керак, Соя эмас...

ҲАҚИҚАТ

Инсон ақли, Лочин кўзи, Шер қудратини ўзида мужассам этган бу сўз Ҳақиқат деб аталади. Унга ҳамма ишонар, ҳамма умид билан суянар эди. Аммо уни ёқтирмайдиган, тагига сув қуядиган кимсалар ҳам кам эмасди. Ўша бадбинларнинг иғволари туфайли Ҳақиқат зил кета бошлади. Бузилиш Лочиндан бошланди. У ғалати одат чиқарди: «Мен бўлмасам, учолмайсанлар, узоқни кўролмайсанлар».

Шер лоқайдлик қилди, қароргоҳида мудраб ётаверди. Ақлга оғир бўлди. Барча Ёмонлар Шернинг лоқайдлигидан фойдаланиб, Лочин томонга ўтиб олиб Ҳақиқат илдизига болта ура бошлашди. Ҳақиқатнинг жисми қаётдан узоқлашиб, исми фақат қоғозда қолди. У энди бамисоли ёрқин юлдуз эди...

Кунлар шу алпозда ўтаверди. Яхшилар умид билан курашаверди. Интилганга толе ёр бўлиши бу сафар исботланди: ниҳоят кутилган кун келди. Шиддатли бўрон турди. «Қудратлиман, буюкман», деган Лочинлар пусиб қолди. Лоқайд Шерлар эса армон гирдобига ботди.

Ҳақиқат жисмига ҳам қайта эга бўлди. Адолат учун кураш бошланди.

ОДАМ ОДАМГА КЕРАК!

— Оббо, сиз-эй! ЖЭКнинг бошлиғи ҳар бир квартирага кириб юра олмайди. Бу қанақаси бўлди, беш йилдан бери квартира ҳақини тўламас экансиз. Сизда инсоф, диёнат деган нарсадан борми ўзи, ўртоқ!

— Ўртоқ деманг мени. Ўртоқ ўртоғини ҳақорат қилмайди. Одам одамга керак, биродар. Дўқ урмай гаплашинг.

— Хўп, нима дей, қарзингиз бир ярим мингдан ошиб кетибдику! Уялмайсизми? Қаерда ишлайсиз ўзи?

— Нега уялай. Сиз уялинг, беш йилдан бери томимдан чакка ўтади, деяверіб чарчадим. Сизлар бўлсангиз бепарво. Яна уятмасми, дейсиз. Қаерда ишлардим, гастрономда ишлайман. Биз сизлардақа инсофсиз эмасмиз.

— Жа тутоқманг, ўзимиздан экансизу, ошна. Айтингчи, сизларда арақ сотиладими?

— Сотилмаса ҳам дўстлар илтимос қилишса бас, жонимиздан бўлак ҳамма нарсани топиб берамиз.

— Балли, ҳақиқий танти экансиз. Уч-тўрт яшик керак, холос. Кичкина тўй қилмоқчийдик.

— Яхши одамларга... ўйлаб кўрамиз!

— Раҳмат. Биз ҳам ишингизни шу ойдаёқ бепул боплаб ташлаймиз. Ўзим контролга оламан!

— Биз ҳам сиздан арақ учун шапка олмаймиз унда, биродар.

— Ана кўрдингизми ўзингиз айтгандек, одам одамга керак!

Тўлқин МУҲИДДИН.

Баҳор — илҳом фасли. Т. Ҳамроқулов фотоэтюди.

● *Овчи ҳикояси*

ОМАД

Қулмирза бугун ҳам одатдагидан эрта туриб емини тугатган тўрғини эгарлаб, ташқарига олиб чиқди. Милтиғини елкасига осиб, отга минганича Учбов томонга жўнади.

Бир ҳафта аввал «Хўжакент» совхозининг бош чўпони Раҳимбой Содиқов у билан учрашиб қолганда бундай деган эди: «Қулмирза оға, бир кун отаримизга меҳмонга келинг. Тунда қўра атрофида бўрилар айланиб, тинчлик бермаяпти. Итлар туни билан нотинчланиб ҳуриб чиқишади. Бўрилар кўпга ўхшайди. Жон оға, бу йиртқичларни ер тишлатиб, қўрамизни тинчитсангиз».

Тепаликка кўтарилган овчи бу сўзларни эслаб кулимсираб қўйди. У дурбинини кўзига қўйиб, атрофни кузатиб чиқди. Арқитсойдан ўтиб, қирда бўри изларига кўзи тушди. Из кетидан талайгина йўл босди. Янтоқсойда армини бўри еган катта бир бия жасади ётарди, унинг атрофида эса бунақанги излар жуда кўп эди. Тажрибали овчи қоронғи тушганда Раҳимбой чўпонларникига келди...

Эгнига оқ халат кийиб, милтиғини шайлаган ҳолда у алламаҳалгача ўлик бия яқинида йиртқичларни пойлади. Лекин сезгир қашқирлар бу тунда қорасини ҳам кўрсатмади. Овчи эрталаб яна бўри изидан йўлга тушди.

— Мана, улар! Учта, иккита бўлиб, тўпланиб дам олаётган бўрилар дурбинда кўзга ташланди. Овчи шошмасдан уларга яқинлашиб бориш режасини тузди. Шамол одам исини бўрилар томон олиб бормайдиган тарафдан қир айланиб, уларга яқинлашди. Эмаклаб, буталар орасидан уларни нишонга олди. Бамайлихотир ётган ёлдор бўрини мўлжалга олиб тепкини босди. Қочишга уринган яна уч бўрига қарата ўт очди. Овчи ўлжаси томон чопиб боратганда, қаттиқ яраланган бир бўри овчига ташланди. Аммо чапдастлик билан ҳаракат қилган Қулмирза қўндоқ билан унинг бошига зарба бериб, ер тишлатди. Кейин нариоқ бориб қараса яна икки ваҳший буталар орасида жонсиз қотиб ётарди. Тепароққа чиқиб яна атрофга назар ташлади. Ўқ товушидан ҳурккан, яна уч қашқир аллақаёқдан пайдо бўлибди. Бироқ улар анча узоқда эди ва тезда кўздан йўқолди.

— Яна беш «ўғри» қолди. Уларни ҳам, албатта, топаман, — деди кескин.

Эртасига Ғижол қишлоғидан икки овчи — Шокир Жўраев билан Рисқибой Нуриддиновларни эргаштириб, Қулмирза яна Бўстонбов томонга йўл олди. Улар кечаги беш қочоқни тузоққа илинтиришга астойдил бел боғлашганди. Оқсоқотадан юқорилаб Алвастисой ичидан тепага қараб кетган бўрилар изидан узоқ вақт йўл юришди. Ниҳоят, текисроқ майдончада тўп бўлиб ҳордиқ чиқараётган қашқирлар кўринди. Улар бўриларнинг қочиб ўтиши мумкин бўлган жойларга пистирма қўйишди. Бирови айланиб ўтиб, нариги томондан бўриларни ҳуркитди. Пухта тузилган режа туфайли иккі бўри ер тишлади, қолганлари ҳам шу зайлда йўқотилди.

Тадбиркор овчи Қулмирза Қалимбетов 1968 йилдан бери овчилар жамиятининг аъзоси, ўтган йили ҳам давлат тайёрлов пунктига 4 бўри, 15 тулки терисини топшириб, 500 сўмга яқин пул билан мукофотланди.

З. МАСАТОВ.
Бўстонлиқ райони.

(«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 31 мартда чиқади).

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЧОРВАДОРЛАР, КОЛХОЗЛАР ВА СОВХОЗЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
СУТ УЧУН ЯНГИ ФИЛЬТРЛАР!

СИКТИВКАР НОТЎҚИМА МАТЕРИАЛЛАР ФАБРИКАСИ

мойлиги сақланган тоза группадаги биринчи сорт сут олиш кафолатини берувчи термик чокланган янги нотўқима полотнолар

ИШЛАБ ЧИҚАРА БОШЛАДИ

Термик чокланган полотно бидондаги сутни фильтрлаш учун пахта фильтрлари ўрнида қўлланилади. Полотно эни 100 см, узунлиги 1000 п. метр ҳажмида серияли равишда ишлаб чиқарилмоқда. 1 п. метрининг чакана баҳоси — 28 тийин.

Фабрика маҳсулотлари исталган транспорт билан етказиб берилади.

Барча масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 167005, Сиктивкар шаҳри, Коми АССР, м. Човью, нотўқима материаллар фабрикаси. Телефонлар: 96-501, 96-551.

РСФСР ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ МИНИСТРЛИГИНИНГ РЕКЛАМА БЎЛИМИ.

«ОВОЗЛИ ТЕЛЕВИЗОР» СОВҒАСИ

«ЧАЙКА» телевизорининг кичик ҳажмдаги макети кўринишида ишланган бўлиб, ясси асосга ўрнатилган.

Телевизор ичига — ферритли антеннаси бўлган радио қабул қилиш қурилмаси ва телевизор асосининг паст қисмига жойлашган созлаш конденсаторининг дастаги жойлашган.

Радиоприёмник маҳаллий радио станцияларининг эшиттиришларини узун ва ўрта тўлқинли диапазонларда қабул қилиш учун мўлжалланган. Эшиттиришларни қабул қилиш ферритли ички ёки ташқи антенналар ёрдамида амалга оширилади.

Радиоприёмник «Крона-ВЦ» батареясидан озиқланади.

Баҳоси — 10 сўм.



«РАДИОТЕХНИКА» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА-КОММЕРЦИЯ ТАШКИЛОТИ.
«ГЛАВКООПИНФОРМРЕКЛАМА».

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
ЎРТА ОСИЁ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: 3-болалар касалликлари, 1-поликлиника тайёргарлиги, 2-поликлиника тайёргарлиги, фармакология, патологик физиология;

доцентлар: акушерлик ва гинекология, биоорганик химия, рентгенология, топографик анатомия билан бирга оператив хирургия, 1-болалар хирургияси;

ассистентлар: 1-болалар хирургияси (3 ўрин), 2-хирургия касалликлари (2), 2-болалар юқумли касалликлари, кўз касалликлари, 2-умумий хирургия, 1-болалар касалликлари, 2-болалар касалликлари, 1-болалар юқумли касалликлари (2) умумий гигиена, рентгенология, анестезиология курси, ортопедия ва травматология, тери-таносил касалликлари, қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари, акушерлик ва гинекология, 4-болалар касалликлари, 1-болалар касалликлари пропедевтикаси

катта ўқитувчи: фармакология.

Конкурс муддати — 15 апрелгача.

Адрес: Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй (156, 165-автобусларнинг «САМПИ» бекати).

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
МЕДИЦИНА ПАРАЗИТОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Протозой касалликлари лабораториясининг бўйича: **мудир, катта илмий ходим, кичик илмий ходимлар** (3);

лейшманиозлар ва баррелиозлар эпидемиологияси бўлими бўйича: **кичик илмий ходим.**

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Адрес: 703005, Самарқанд шаҳри, Л. М. Исаев кўчаси, 38-уй. Телефонлар: 7-40-04, 7-42-42.

●

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Ургатилган гамадриллар» аттракционининг гастроллари** (10.30, 13.00, 16.00 да).

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ҚАТТА ТЕАТРИДА 29/III да **Коппелия** (12.00), **Аловиддининг сеҳрли чироғи** (17.00), 30/III да **Этик кийган мушук** (12.00), **Балет кечаси** (17.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/III да **Хотинимнинг эри.**

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари, математика факультети коллективи математика ўқитиш методикаси кафедрасининг ўқитувчиси А. А. Норматовга онаси, Қаҳрамон она

Мухтабар ОЙТУРАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

● *Спорт*

Хотира-совғини:
ҚИЗИҚАРЛИ БАҲСЛАР

Ўзбекистон районидаги Ойбек номли 50-ўрта мактабда Қизил Юлдуз ордени кавалери Собиржон Убайдуллаев хотирасига бағишланган кросс мусобақалари ўтказилди. Югуришда районнинг 38 командаси қатнашди. Мусобақалар олдидан меҳнат ва уруш ветеранлари ҳамда мактаб ўқувчилари қаҳрамоннинг қабрига гулчамбарлар қўйиб, мевали дарахтлар ўтқаздилар. Югуришни эса «Дилшод» болалар боғчаси тарбияланувчилари бошлаб беришди. Оммавий югуришларда 700 дан ортиқ киши қатнашди. 1500 метрга югуришда 36-мактаб талабаси Х. Абдуқаҳҳорова маррада биринчи бўлди. 50-мактаб ўқувчиси Д. Жабборов ўғил болалар ўртасида зафар қучди. Ғолибларга совғаларни қаҳрамоннинг онаси Хадича ая Убайдуллаева тантанали суръатда топширди.

Андижон районидаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли 2-ўрта мактабда ҳам ана шундай мусобақалар ташкил этилди. Ўқитувчи Абдуваҳоб Ниёзов билан собиқ директор Таҳъатбек Комиловлар хотирасига бағишланган баҳслар спортнинг 8 тури бўйича ўтказилди. Мусобақаларда ўқувчилардан М. Тешабоев, Ф. Камолиддинов, Ҳ. Турғунов ва М. Раҳмоновлар ибрат кўрсатишди.

Волейбол: ОЛИЙ ЛИГАНИ ТАРК ЭТИБ

Эркаклар олий лига командалари мамлакат чемпионатида 7—12-ўринлар учун баҳсни якунлашди. Бу йилги мавсумни сусткашлик билан ўтказган Тошкент динамочилари якунловчи ўйинларда ҳам очколар йўқотишди. Улар Рига-да «Ураэнергомаш» командасига 2:3 ҳисобида ютқазиб, «Север», «Локомотив», «Искра», «Радиотехник» коллективларига 0:3 ҳисобида имкониятни бой беришди. Шундай қилиб, Новосибирскнинг «Север» командаси 13 очко, Риганинг «Радиотехник» волейболчилари 11 та, Харьковнинг «Локомотив» ўйинчилари 10 та, Одинцовонинг «Искра» спортчилари 9 тадан очко тўплашди. Свердловскнинг «Ураэнергомаш» командаси ҳисобида 6 та очко бор. Тошкентлик динамочилар эса бор-йўғи 3 та очко олишган эди. Энди ажилларимиз келаси йилдан қуйи лигада баҳслашадиган бўлишди. Одинцово ва Свердловск волейболчилари эса биринчи лиганинг кучли коллективлари билан ўтиш турнирида қатнашадилар.

Футбол: ПЕШҚАДАМЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

Олий лига командалари ўртасида тўртинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Мавсумни муваффақиятли бошлаган пойтахт торпедочилари бу сафар «Днепр» футболчиларидан (1:0) устун келиб, 7 очко билан пешқадамлик мавқеларини мустаҳкамлашди. «Зенит» футболчилари эса ўз майдонларида «Арарат»ни 2:1 ҳисобида енгиб, очколарини 6 тага етказишди. Қолган ўйинлар қуйидагича якунланди: «Металлист» — «Черноморец» — 0:1, «Динамо» (К) — «Спартак» — 1:2, «Қайрат» — «Шахтер» — 0:1, «Жальгирис» — «Нефтчи» — 2:0. Тур учрашувлари «Динамо» (Мн) — «Динамо» (М), ҳамда «Локомотив» — «Динамо» (Тб) учрашувлари билан якунланди.

● УҚИНГ, ҚИЗИҚ

13 ЁШЛИ ИХТИРОЧИ

Югославиялик энг ёш, лекин ихтирочи деб тан олинган Миодраг Мичик ўн уч ёшдадир. У Белград мактабларидан бирида 8-синфда ўқийди.

Иттифоқ патентлар институти Миодрагнинг учта ихтиросини эълон қилди. Биринчи ихтироси автомобиль газларини тозалаш муаммосини ҳал этади, иккинчиси мис рудаларини қайта ишлашда янада тежамкорлик ролини ўйнайди. Мактаб ўқувчиси яна двигателнинг янги намунасини яратди.

Бола икки ёшданоқ ўқишни ўрганган. «Политика» газетасининг хабарига кўра, у серб ва инглиз тилларида шеър ёзади, рус ва немис тилларида бемалол гаплаша олади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

● *Тингланг, томоша қилинг*

29 МАРТ, СЕШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Клим Самгиннинг ҳаёти». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия. 11.15 — Янгиликлар. 11.25 — Дастхат. 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Заргар. 16.45 — Болалар учун фильм. 17.50 — Болалар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқиши. 18.50 — Мультфильмлар. 19.25 — Дунё воқеалари. 19.40 — Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига. 20.25 — Арно Бабажанян ҳақида хотиралар. 21.30 —Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Клим Самгиннинг ҳаёти». Бадиий фильм. 1-серия. 23.20 — Дунё воқеалари. 23.30 — Фидойи шахслар.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — «Лаҳл» ансамблининг концерти. 9.50 — Ҳужжатли фильм. 10.10 — Ўсмирлар учун музикали кўрсатув. 12.00 — Француз тили. 12.30 — Фильм-концерт. 13.05 — «Хазиналар ороли». Бадиий фильм. 1-серия. 14.05 — Француз тили. 14.35 — Янгиликлар. 14.45 — Бу фантастик олам. 15.55 — «Йиллар ўтгач». Бадиий фильм. 18.35 — Янгиликлар. 18.40 — Ритмик гимнастика. 19.10 — Музикали киоск. 19.40 — Эйзенштейн ҳақида. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.40 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Олам кинокамера кўзгусида. 23.15 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.45 — Болалар учун фильм. 16.55 — Қувноқ стартлар. 18.00 — Ёшлик. 19.00 — Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. 19.30 — Ахборот. 19.50 — Долзарб вазифа. 20.00 — Хуршиди жаҳон келди. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Муқимий номли ўзбек Давлат музикали театри солистларининг концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Кино, кино, кино. 23.25 — Ҳужжатли фильм.

РАДИО

Биринчи программа: 8.30 — Қўшиғимиз сизга армуғон. 9.30 — ЎзССРда хизмат кўрсатган артист И. Бўронов куйлайди. 9.45— В. И. Ленининг «Давлат ва революция» асарининг 70 йиллигига. 12.10 — Ўзбекистон транспорти. 12.30 — Х. Шамс. «Чиниқиш». Ҳикоя. 12.50 — Рубоб тароналари. 13.30 — А. Файнберг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 15.30 — Бутуниттифоқ болалар ва ўсмирлар китоб ҳафталиги. 15.50 — Туркистон АССР ва Туркистон Компартияси ташкил топганлигининг 70 йиллигига. 16.00 — «Коммунист» журнали навбатдаги сонининг нашрдан чиқиши муносабати билан. 16.15 — Ерни ҳимоя қилиш кунига. 18.30 — Е. Ҳотамова ва Т. Қодиров куйлайди. 18.50 — Бутуниттифоқ болалар ва ўсмирлар китоб ҳафталиги. 19.20 — Тошкентнинг музикали ҳаёти. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.10 — Қармоқ. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.45 — СССР халқ артисти Ҳ. Носирова куйлайди. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

Р. — 10675. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. — 73. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12